Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 9 август
ПАЙШАНБА
№ 180 (4.973).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

ОҚ ПАХТА, ОППОҚ ПАХТА

Пахтамизни оқ олтинга қиёслашганидан буён анча вақт ўтди, кўп сувлар оқиб кетди. Оқ пахта соҳибига шуҳрат ва доврўг келтирди, унг аршин аълога кўтарди. Бироқ косасини оқартирмади... Пахтанинг ўзи енгил, меҳнати эса оғир эканлиги амалдорларнинг эсига келмади. Бугунги кунда тоғ-тоғ оқ олтин етиштираётган элнинг тўққиз миллион нафари қашшоқликда яшаяпти.

Жамоатчи фотомухбиримиз В. Тўраев Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз далаларидан бир неча сурат ва лўппи очилган чаноқ келтирди. Унга тикилараканман, бир зум юқорида баён этилган фикрлар хаёлдан ўтди. Бироқ чаноқнинг бамисоли жилмайиб туриши дилимиздаги ғуборни ҳайдади. Танти ўзбек деҳқонининг фидокорлигига таҳсинлар айтдим. Шу дамда кўнглимдан агар мен ҳайкалтарош бўлсам, бошн узра олтин чаноқ кўтариб турган бободеҳқон ҳайкалини яратардим, деган ўй туғилди. Нега ҳайкалтарошларимиз шуни ўйлаб кўришмадийкин! Ёки уларга тупроқдан зар яратаётган, йўқдан бор қилаётган заршуносинг меҳнати илҳом бермайдими! Ер қаъридан маъдан қазиб олаётган кончиларга қанчадан-қанча ҳайкаллар ўрнатилган. Улар бор нарсани қазиб олдилар, холос. Пахтакор эса митти чигитни улкан оқ олтин тоғига айлантиради.

Шукрларким, пахтакор меҳнати ҳам аста-секинлик билан бўлса-да ўз қадрини топаяпти. Хом ашёга мўмайгина қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди, харид нархларини ошириш масалалари ҳал қилинмоқда. Кени кеча Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «1990 йилги пахта ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олишда колхозчилар, совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини оширишга оид тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда ҳосилни тезроқ, сифатли йиғиштириб олишнинг моддий омилларини вужудга келтириш учун колхозлар ва совхозларга иш ҳақининг белгиланган фонди доирасида, шунингдек, пахта ҳосили нархларига қўшимча ҳақ тарзида олинадиган маблағларнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳисобига машинада терилган 1 тонна пахта учун 10 сўм, қўлда терилган 1 килограмм пахта учун 25 тийин тўлаш белгиланди. Бу ҳам оқ пахта ўз баҳосини, пахтакор меҳнати эса қадрини топаётганидан далолат!

Н. ШАКАРОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхознинг пешқадам бригада бошлиқлари Маматали Ғофуров ва Боқижон Мадриндаев. 2. 1990 йилнинг илк пахтаси.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ВАЛЮТА БОЗОРИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

СССР Министрлар Совети 4 август куни Умумиттифоқ валюта бозорини барпо этиш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор чет мамлакатлар билан кенг миқёсда ва ҳар томонлама ҳамкорлик имконини берадиган бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик билан узвий боғлиқдир. Валюта соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш, деб таъкидланади қарорда, ўз харажатларини валюта билан ўзи қоплаш принципининг тор доирасини бартараф этишга, барча корхоналар ва ташкилотлар валюта ресурсларидан баҳраманд бўлишларини кенгайтиришга, алмаштириладиган сўм томон ҳаракат қилишга кўмаклашади. Шу мақсадда 1991 йил 1 январдан бошлаб Совет қонунларига мўвофиқ ҳуқуқий шахс ҳисобланган барча корхоналар ва ташкилотларга Совет Иттифоқи территориясида банкларараро операциялар, валюта биржалари, ким ошди савдоларидаги операциялар шаклида ҳамда қонун йўл қўядиган бошқа шаклларда валюта келишувларини амалга ошириш чоғида вужудга келаётган талаб ва таклифлар асосида бозор нархларида чет эл валютасини совет сўмига алмаштириб сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

Қарорда Москвада доимий амал қиладиган Умумиттифоқ валюта биржаси, шунингдек жумҳурият ва регионал биржалар ташкил этиш кўзда тутилган. Бу биржалар мамлакатимиз территориясида бозор баҳосида чет эл валютаси билан муомала қилиш маркази бўлиши лозим.

Банкларараро валюта операцияларини ўтказиш ва валюта биржаларидаги операцияларни назорат қилиш СССР Давлат банкига топширилди. СССР Давлат банки Молия министрлиги, СССР ташқи иқтисодий банки ва жумҳурият бошқарув органлари билан биргаликда чет эл валюталарига нисбатан сўмнинг қийматини тартибга солиш (ушлаб туриш) юзасидан зарур чоралар кўрилишини таъминлайди. Ана шу мақсадда СССР ҳукуматининг, иттифоқдош жумҳуриятлар ҳукуматларининг марказлаштирилган валюта ресурсларидан ҳамда чет эл банкларининг жалб этилган маблағларидан фойдаланиш мумкин.

Умумиттифоқ валюта биржасида операцияларни 1991 йил 1 январдан бошлашга қарор қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

МАТБУОТНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси «Партия оммавий ахборот воситалари структурасини такомиллаштиришнинг баъзи чоралари ҳақида»ги масалани кўриб чиқди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССРда умумий тиражи 6,4 миллион нусхадан иборат 219 номдаги жумҳурият, вилоят, шаҳар ва район газеталари чиқмоқда. Ўзбек тилида 143 газета, рус тилида — 27, қорақалпоқ тилида — 14, қозоқ тилида — 4, тожик тилида — 2, крим татар тилида — 2 газета чиқмоқда, таржима қилинадиган ўзбекча-русча аралаш нашрлар — 7 та ва ўзбекча-тожикча аралаш нашрлар — 13 та, ўзбекча-қозоқча аралаш нашрлар — 3 та, қорақалпоқча-русча нашр — 1 та.

Компартия Марказий Комитетининг бюроси жумҳурият матбуоти структурасини, моддий-техник базасининг имкониятларини ҳамда аҳоли турли гуруҳларининг босма нашрларга эҳтиёжларини таҳлил қилиб, баъзи жумҳурият газеталари структурасини қайта кўриб чиқиш ва тартибга солиш, уларнинг муассислари ва нашриларини аниқ белгилаб қўйишни зарур деб топди.

Бундан буён «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг органлари сифатида нашр этиш, Марказий Комитетнинг рус тилидаги «Сельская правда» газетасини чиқаришни тўхтатиш кўзда тутилмоқда. «Сельская правда»нинг моддий базасида ва жумҳурият Олий Советининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг органлари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ўзбек ва рус тилларида чиқарилади.

Жумҳурият Компартияси Марказий Комитети, Олий Совети ва Министрлар Советининг органлари — тожик тилида чиқадиган «Ҳақиқати Ўзбекистон» ва қрим татар тилида чиқадиган «Ленин байроғи» газеталари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг газеталарига айлантирилади. Шу билан бир вақтда қозоқ тилида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Достык туы («Дўстлик байроғи») газетаси ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг ўзбек тилида «Меҳнат» газетасини — касаба уюшмалари Ўзбекистон жумҳурият кенгаши органини ташкил этиш муддаоси маълумот учун қабул қилинди.

Газеталарни уларнинг муассислари бюджети маблағидан пул билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ҳафтасига олти марта ва «Достык туы» газеталари ҳафтада уч марта, ҳаммаси «Правда» газетаси форматининг тўрт саҳифаси ҳажмида чиқади. «Меҳнат» газетаси ҳафтанома бўлиб, «Правда» форматининг ярмича 16 саҳифа ҳажмида чиқади.

Компартия Марказий Комитетининг бюросида барча оммавий ахборот воситалари фаолиятида муассислар томонидан мумкин қадар кам дотация бериш принципи қарор топиши, кейинчалик ўз харажатларини ўзи тўла қоплашга ва фойданинг бир қисмини белгиланган тартибда муассисларга ва нашрларга беришга ўтиши лозимлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан Марказий Комитет бюроси янги матбуот органларини ташкил этиш масалаларини мунтазам равишда Марказий Комитет олдига қўяётган вилоят партия комитетларининг эътиборини мавжуд газеталар ва янги ташкил этилаётган газеталар, айниқса шаҳар ва район газеталарини пул билан таъминлаш ва уларнинг моддий таъминоти билан боғлиқ реал аҳволни тўла ҳисобга олиш зарурлигига қаратди. Партия комитетларига ўз нашрларининг рентабеллигини ошириш, уларнинг структурасини такомиллаштириш билан батафсил шуғулланиш, районларарО газеталарни ташкил этишга дадил ўтиш таклиф қилинди.

Партиявий журналларнинг структураси ҳам кўриб чиқилди. «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» назарий ва сиёсий журналини ўзгартириб, Марказий Комитетнинг асосан партия фаолларига ва мафкуравий соҳа фаолларига, жамоат ташкилотларининг ходимларига ва гуманитар касб эгаларига мўлжалланган назарий ва ижтимоий-сиёсий журналга айлантиришга, «Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журналини тугатиш ҳисобига мазкур журнал ҳажмини оширишга қарор қилинди.

Марказий Комитетнинг ўзбек ва рус тилларида чиқадиган «Мулоқот» — «Диалог» оммабоп ижтимоий-сиёсий журнали ташкил этилмоқда. Янги нашр сиёсий турмушнинг хилма-хиллигини, партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда ҳаракатларининг фаолиятини ёритиши, жумҳуриятда ва мамлакатда содир бўлаётган энг муҳим воқеаларни шарҳлаб бериши керак. Журнални Компартия Марказий Комитетининг «Ўзбекистон агитатори» — «Агитатор Узбекистана» журналини ҳамда Ўзбекистон журналистлари уюшмасининг таклифига биноан рус тилида чиқадиган «Корреспондент» журналини тугатиб, шу журналлар базасида чиқариш кўзда тутилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари структурасини такомиллаштириш, редакция коллективларини мустаҳкамлаш ва ходимларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ топшириқлар берилди.

Компартия Марказий Комитетининг бюроси КПССга ҳуруж қилаётган, халқнинг маънавий ва ахлоқий қадриятлари ҳамда анъаналарига зид келадиган нашрларнинг тиражини Компартия Марказий Комитетининг полиграфия базасида босиб чиқаришга йўл қўйиб бўлмайди, деб белгилаб қўйди. Бундан буён партияга таллуқли бўлмаган Иттифоқ нашрлари тиражи Марказий Комитетнинг мафкуравий комиссияси билан келишиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси тасдиқлагандан сўнггина Марказий Комитет нашриётида босиб чиқарилиши мумкин.

Нашриёт харажатларининг ортиши ҳамда алоқа хизмати ва матбуот тарқатиш таърифларининг оширилиши кутилаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишлар мудирлигига партия нашрларининг рентабеллиги масалаларини манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда тезда кўриб чиқиш ва партия газеталари ҳамда журналларига мақбул нарх белгилаш тўғрисидаги таклифларни киритиш топширилди.

Масалани муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети жумҳурият министрликлари ва идоралари томонидан чиқарилаётган бир қанча журналлар ва ахборотномаларнинг структураси ва уларни бундан буён нашр этишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин, деган таклиф айтилди.

ПАРТИЯ ЗАКОВАТИ ВА КУЧИГА ИШОНАМАН

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси билан суҳбат

Александр Иванович Евтеев (унинг ўзи оддийгина қилиб Саша деб аташимни сўради) — ишчи. Бир неча йилдан буён масъулиятли участка — Гулистондаги 7-қурилиш трестининг ишлаб чиқариш-технологик тўлиқлаш бошқармасига қарашли ёғочсозлик цехига раҳбар. У унча катта бўлмаган жамоа билан биргаликда станокларни созлайди, вилоят марказида қурилаётган иморатлар учун плинтуслар, часпаклар, бошқа хил ашёлар тайёрлайди. Одам қанча кўп бўлса, фикр-мулоҳазалар ҳам шунча кўп ва ранг-баранг бўлади. Қайта қуриш, кейинги таҳликали йилларда рўй берган шиддатли воқеалар хусусида Сашанинг ҳам ўз қарашлари шаклланган. Мухбиримиз суҳбати шундан бошланди.

— Сиз съездга жўнаш олдидан баъзи газеталарнинг мухбирларига мусоҳабалар берган эдингиз. Агар фикр-мулоҳазаларингизни бир иборага мужассамлаштирадиган бўлсак, «Мен Коммунистик партия учун курашаман» деган хулоса чиқади.

— Тўғри, мен съездга худди шундай фикр-ўйлар билан йўл олган эдим. Бизни ташвишли ноаниқликлар кутаётганди, кўпчилик партияда парчаланиш рўй беришидан хавфсирамоқда эди. Шунинг учун ҳам менинг ҳолатимни тушуниш қийин эмасди. Тўлқин кўпдан буён кўтарилиб келаётган эди. Аниқроқ қилиб айтганда, норозилик, эътироз ва келишмовчилик тўлқини эди бу. Съездда бошқа делегатларнинг, жумладан, илгари газеталардан кўп ўқиб билган сўл ҳаракатларнинг вакиллари фикрлари билан ҳам танишдим. Улар олдиндан пухта тайёргарлик кўрган нотиқ эканликларига ишонч ҳосил қилдим. Фақат сўлларгагина эмас, РСФСР Компартияси вакилларига ҳам ҳавасим келди. Нега дейсизми? Менда эндигина бирон-бир фикр туғилган бўлади, улар эса минбардан туриб рўй рост айтишади-қўйишади. Кўпчилигимиз эса якдил эдик — мамлакатда ҳозирча бизни боши берк кўчадан олиб чиқадиган Коммунистик партиядан бўлак куч йўқ. Пароканда-ликни мақсад қилиб олган «КПССда демократик платформа» раҳнамолари бундан мустасно. Бахтимизга шундай ҳол рўй бермади. Вазиятга зийрак қараш устун келди: оқил кучларни, барча оқимларнинг вакилларини бир йўналишда жипслаштиришга интилиш бўлди.

— Эсингиздами, сўзга чиқан нотиқлардан бири «Ишчига қўшиб қарияни ҳам тўппослаш осон» деган халқ мақолини эслатиб ўтди...

— Менга қолса: «Ҳозирги қария бунга кўнмайди-да», — деб қўшимча қилган бўлардим. Ўзим ҳам «қарияни дўппослашни» истамасдим. Нима учун? Кейинги пайтларда қусурларни танқид қилишда, тиғ бевосита қайта қўриш сиёсатининг ўзига қаратилмоқда. Бундай салбий муносабатга сабаб қисман шундаки, жамиятни сиёсий ислоҳлаш давомида партия ташкилотлари, партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари сиёсий қулайликдан маҳрум бўлиб қолдилар. Биринчи ўринга аҳдозалардан воз кечиб, юқоридан тушадиган кўрсатмалар, атрофдан бериладиган маслаҳатларсиз ҳаракат қилиш талаблари қўйилмоқда, яъни сиёсатда ўзига хос бозор муносабати. Табиийки, бундай шароитда кўпчилик коммунистлар ҳозирги раҳбариятга, партиятга, у ўтказаётган сиёсий йўлга ишончсизлик билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Биз эндиликда бир вақтлардаги қаётдан узоқ баландпарвоз шиорлар, арзимаган ютуқлардан васвасага тушишлар, яна бошқа кўпдан-кўп гуноҳлар аламини тортаяпмиз. Тавба-тазарру қилмоқдамиз. Биз туб иқтисодий ислоҳотнинг барбод бўлгани учун ҳам, пулнинг то бора қадрсизланиб бораётгани учун ҳам, халқнинг турмуш даражаси пасайиб кетгани учун ҳам айбдормиз. Аммо қачонгача тавба қилиш ва айблаш мумкин?!

Мен съезд ҳақида ўртоқларимга ҳикоя қилаётганимда улар: «Мана сен, Саша, съездга бординг, ақлингни пешлаб келдинг. Қани айтчи, нима учун гап кўпу натижаси кўринмайди?» — деб савол беришади.

Кўпчилик халқ депутатлари шаънига ҳам худди шундай норозилик сўзларини айтмоқда. Янги депутатлар корпуси ташкил этилди, аммо трестга қарашли I ва II-мавзелардаги уйлар илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай ноқулайликлари, камчиликлари билан турибди, — асло ўзгариш йўқ. Ҳаммасига партия, Советлар айбдорми? Нима бўлаяпти ўзи? Мантиқ қани? Ҳамма иллат шундаки, биз ижтимоий боқимондалик деб аталган оғир касалга чалинганмиз. Худди осмондан чалпак ёғилгандек жамики неъматлар бирданига тайёр бўлиб қолишини хаёл қиламиз, ўзимиз эса қимирлагимиз ҳам келмайди. Тўғри, баҳслашмайман, кўп нарсани чалкаштириб юбордик, аммо бунда ўз айбимиз йўқми? Энг қийини ўзингни англаб етишингдир, деб шунга айтадилар-да.

— Александр Иванович, биз тузумнинг фарзандларимиз, десам, фикримга қўшилсангиз керак. Хавф-хатарни сезмаймиз. Дарвоқе, уни эндигина ҳис эта бошладик. Одамларнинг фаолсизлигини баъзан қўллаб-қувватлаш сифатида қабул қилиш одатимиз ҳам йўқ эмас.

— Аввало ўзимизга назар солишимиз, қандай ишлаётганимизга танқидий баҳо беришимиз лозим. Масалан, кончиларнинг иш ташлашларини олиб кўрайлик. Ҳукуматимиз бошлиғи Николай Иванович Рижков «Шахтёрлар — олтин одамлар» деган гапни айтди. Тўғри. уларга осон эмас. Нима, қишлоқ хўжалигида енгилми? Борди-ю деҳқонлар иш ташлашса, қандай вазият рўй беришини бир тасаввур қилиб кўрайлик. Очлик, вайроналик бошланади. Пензадаги «Кириловский» совхози директори А. Порутчиковнинг нутқи кўпчилик делегатлар қаторимда ҳам катта таассурот қолдирди. У қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти муаммоларини ниҳоятда кескин қилиб қўйди. Россия қишлоқлари партияга нисбатан қаттиқ ишонч нуқтаи назарида турибди, деб қўшимча қилди. Қурувчилар ҳақида ҳам ана шундай гапларни айтган бўлардим. Бунёдкорлик ишларини росмана олиб боришлари учун уларга кўп нарса етишмаяпти. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда тарқоқ-тарқоқ гуруҳлар эмас, балки оёқда маҳкам туришимизга ёрдам берадиган ягона куч керак бизга. Мавжуд вазиятда, яъни кўппартиявийликка ўтиш бутунлай пароканда-ликка, оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган бузилишларга олиб келади. Жумҳуриятимиз Президенти ўз мусоҳабаларидан бирида бугуни кунда КПСС бизнинг байналмилал давлатимизни мустаҳкамлашга қодир ягона кучдир, деб айтди. Бу гапга мен тўла қўшиламан. Бироқ ҳозирги вақтда биз шиорлардан амалий ишга ўтишимиз керак. Халос бўлишнинг бирдан-бир йўли бу. Фақат ишгина одамларни бирлаштириши мумкин.

— Яхши ишлашга даъват этувчи шиорлар етмиш йилдан ортиқроқ вақтдан буён янграб келади. Эсингиздами: «Ҳамма нарса фронт учун, ғалабамиз учун!», «Бутун куч — халқ хўжалигини тиклашга!, «Яхши яшаш учун яхши ишламоқ керак» деган шиор бор эди.

— Биласизми, мен — оддий ишчиман. Мактабда энг қолоқ синфда ўқиганман, армияда қолоқ қисмда хизмат қилганман, мана йигирма икки йилдирки, қолоқ трестда ишлаяпман. Қолоқлар ичида биринчи десангиз ҳам майли.

Айнан мен партия анжумани делегати бўлганим тасодифий ҳол эмас. Трестдан кетиш имкониятлари кўп бўлган, пулли ишларга таклиф қилишган, аммо ўз жамоамни, бригадамни тарк эта олмадим. Ўртоқларим Ҳайдар Сайфиддинов ва Мусрет Велиев ҳам. Кейинроқ келган ёшлар эса ўзларини кооперативларга уриб кетишди. Даромад яхши-да. Уларни ҳам тушуниш мумкин. Биз ветеранлар ҳам: ҳамма нарса жой-жойига тушиб кетади, яхши кунлар келади, деб ишонамиз. Ваҳоланки, ҳозир аҳвол ниҳоятда танг. Ёғоч-тахта — анқонинг уруғи, трестга қарашли механизациялашган кўчма колонналарни дурадгорлик ишлари билан таъминлаш тобора қийинлашмоқда. Бир кун ишласак, бошқа куни бекормиз. Шунга қарамай нокамтарликка йўйманг ёғочсозлик цехимиз — бизнинг кичик ватанимиз, усиз яшай олмаймиз.

Балиқ чуқур, одам яхши жойни излайди, у бўлса нималар деб валдираяпти, бунинг устига бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида турибмиз, дея менга эътироз билдиришлари мумкин. Аммо ҳамма шундай ўйлайди, дейиш хато. Бизнинг бригадамиз бунга ёрқин мисол. Энг асосийсини айтиб қўя қолай. Ана шундай ҳиссиётлар, фикр-ўйлар ва қўтаринки кайфият учун партиямиз олдида бурчдормиз. Мен унинг янгиланишига қаттиқ ишонаман. Йўл қўйилган хатолар тузатилишига ишонаман. Бироқ қандайдир бошқача ижтимоий тузум ваъда қилаётган сўл сиёсий кучларга ишонмайман. Шуни очиқ айтишим мумкинки, борди-ю биз чиндан ҳам кўппартиявий тузумга ўтганимиз тақдирда ҳам мен барибир КПСС сафида қоламан. Бу дабдабали, баландпарвоз ибора эмас, балки қалбим буюрганидир.

— Мусоҳабангиз учун ташаккур.

Суҳбатдош
В. РУДАКОВА.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

СИНИҚ ШИШАЛАРДАН

Трактор моторларини ремонт қиладиган Урганч ремонт заводида гулдор ойналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Синган шишалар, шампан винои идишлари бу ерда хом ашё бўлиб хизмат қилмоқда. Завод ҳар тонна шундай хом ашё учун 30 сўм тўлайди. Бундан қиймати ўн баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Гулдонлар, ликопчалар, шишадан тайёрланган хилма-хил гуллар ва гулшодалар шулар жумласидандир. Янги буюмларнинг дастлабки туркуми вилоятнинг савдо корхоналарига тезда тарқатилди. Бухоро ва Қорақалпоғистондан буюртмалар бор.

— Хоразм корхоналарида шу пайтгача ҳеч ким бундай иш билан шуғулланмаган, — дейди янгилик ташаббускорларидан бири, инженер К. Аллаберганов. — Биз корхонани Қувасой ойна заводи намунаси асосида ташкил этдик. Махсус печ ва ишлаб чиқариш линиясини сотиб олдик, улар табиий газда ишлаб турибди. Уларни ўзимиз монтаж қилдик. Бир гуруҳ ишчиларимиз Қувасойда махсус ўқитилди.

Ремонт заводининг янги бўлинмаси ошхона буюмлари, ойналар, ёритгичлар, фонар чироқлар ва харидорларга манзур бўлаётган бошқа буюмлар ишлаб чиқаради. Йил охиригача ремонт заводи синиқ шишалардан икки юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

ҚИШЛОҚДА КИЧИК ЗАВОДЛАР

Қўқон вино-арақ заводи қабул пункти яқинида меваларни қайта ишлайдиган цех қурилди. Ана шу кичик корхона Фарғона районидаги Киров номли совхоз меҳнаткашларининг боғлардаги мўл ҳосилни саранжомлаш муаммосини ҳал этишларига ёрдам берди. Корхоналарнинг бундай ёнмаён жойлашиши совхоз учун қулайдир. Чунки бу ерда сув етарли, инженерлик коммуникациялари ва энг муҳими цех фойдаланадиган тозалаш иншоотлари бор.

Янги цех жамоасига тажрибали технолог Рустам Нажмиддинов бошчилик қилмоқда.

— Бу йилги мавсумда, — деди у, — биз ўн беш минг банка консерваланган маҳсулот тайёрлашни ва айни вақтда қувватларни оширишни мўлжаллаяпмиз. Помидор шарбати ишлаб чиқарадиган автомат линия монтаж қилина бошлади.

Ҳозир Фарғона вилоятининг колхоз ва совхозларида боғ ва полиз маҳсулотини қайта ишлайдиган ўн бешта кичик-кичик заводлар ишлаб турибди. Улар йилига жами 18 миллионтадан кўп шартли банка консерва тайёрлаб беради.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси

Президентининг фармони

ҲУРТОҚ С. Ш. МИРЗАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Фанни ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти «Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш» кафедрасининг мудири Ўртоқ Саидраҳмон Шоабдиевич Мирзаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 3 август.

Қишлоқ хўжалигини қайта қуриш мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш билан боғлиқ. Колхозлар, совхозлар билан бир қаторда деҳқон хўжаликлари, колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ҳам тобора мустақил ўрин тутмоқда. Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги хўжалик мустақиллигининг юксалишига, омилкорона фаолиятнинг кучайишига олиб боради.

Жумҳуриятда суғориладиган ерлар ,чекланганлиги, озиқ-овқат муаммоси сust ҳал этилаётганлиги, қишлоқда ишчи кучларининг ортиб бораётганлиги сабабли мавжуд ер ва сув ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш масалалари ғоят муҳим ҳаётий аҳамият касб этаяпти. Шунинг учун ҳам ишчилар ва колхозчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларига катта ўрин ажратилмоқда.

Ҳозирдаёқ шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш юзасидан йириқ тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхоз ишчилари, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қўшимча равишда 165,1 минг гектар ер ажратиб берилди. Томорқа ерлари фонди 400 минг гектарга, қишлоқдаги хонадонлар сони эса 2,2 миллионтага етди. Онла хўжаликларида 2,4 миллион бош қорамол, жумладан 1,2 миллионта сигир боқилмоқда, бу жамоат секторидагига қараганда 2,6 баравар кўпдир. Жумҳуриятда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизга яқини, шиллининг 96 фоизи шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади. Сабзавот (43 фоиз), гўшт (47), сут (65), жун (65 фоиз) ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришда ҳам шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг салмоғи катта.

Ўзбекистон ССР президентининг тегишли фармонларига мувофиқ қишлоқ меҳнаткашларининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга яқиндан ёрдам берилмоқда. Жумҳуриятнинг аграр сиёсати шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилгандир, бу йўл бозорни мева ва сабзавот маҳсулотларига, гўшт ва сутга тезроқ сероб қилиш, қишлоқдаги мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, ишчилар ва колхозчиларнинг моддий фаровонлигини ошириш, қишлоқ жойларда уй-жой муаммосини ҳал этишни жадаллаштириш учун имкон яратади. Ҳамма жойда шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳажмини 0,25 гектарга етказиш вазифаси қўйилди.

Бироқ шахсий ёрдамчи хўжаликлар бирмунча ривожланганлигига, уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпайганига қарамай, бу сектордаги ишлар аслини олганда ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ишлаб чиқаришнинг шу соҳасида моддий-техника таъминоти, айниқса озуқа, плёнка, суғориш учун сув билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, тарқатиш ва қайта ишлаш ёмон уюштирилган. Бозордаги талаб ва таклифни аниқлайдиган, шахсий ёрдамчи хўжаликларга зарур ахборотни етказиб турадиган хизматлар ҳозирча йўқ.

Шунинг учун ҳам жумҳуриятда шахсий ёрдамчи хўжаликлар иттифоқини тузиш зарурати туғилди. Бундай иттифоқ уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, фаолиятларини мувофиқлаштириб туриши ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этишга кўмаклашуви зарур.

Кенг жамоатчилик фикрини назарда тутиб, бугун шахсий ёрдамчи хўжаликлар иттифоқи уставининг лойиҳасини эълон қилмоқдамиз. Биз шу соҳага дахлдор ҳамма кишилар — шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва раҳбарлари, совет ва партия ходимларини устав лойиҳаси муҳокамасида фаол қатнашишга даъват этамиз.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАР ЭГАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. 1. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг иттифоқи жамоат ташкилоти ҳисобланади ҳамда ихтиёрий асосларда қишлоқлар, районлар, вилоятлар ва жумҳуриятда таъсис съездининг, шунингдек тегишли босқичдаги шахсий ёрдамчи хўжаликлар вакиллари йиғилишларининг қарорига мувофиқ тузилади.

1. 2. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари иттифоқининг энг асосий мақсади озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, бундай маҳсулотлар билан аввало ёрдамчи хўжаликлар аъзоларининг ўзларини таъминлаш, ортиқчасини давлатга, кооперативларга ва бозорда сотилишини йўлга қўйишдан, ишчилар ва колхозчиларнинг ялпи даромадини ошириш, қишлоқнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш: турар жой қурилиши, коммунал қулайликлар яратиш, ортиқча ишчи кучларини ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш, ернинг ҳақиқий соҳибини тарбиялашни жадаллаштиришдан иборат.

Иттифоқ:

— жумҳуриятнинг барча минтақаларида шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун тенг равишда иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратилишига ёрдамлашади;

— колхозлар, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлайдиган корхоналарнинг онла хўжаликлари билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқалари йўлга қўйилишига, шахсий ёрдамчи хўжаликлар наслли ёш моллар ва парандалар, навли уруғликлар, кичик механизация ва кимёлаштириш воситалари, қурилиш ашёлари билан таъминланишига, шунингдек узоқ ва қисқа муддатли қарзлар ажратилишига кўмаклашади;

— иттифоқ аъзоларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уларга ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, хўжалик, жамоат ва кооператив ташкилотларида иттифоқ аъзоларининг манфаатларини ёқлайди.

— ўзининг ишчи ва хўжалик органларини, молияҳисоблаш марказлари, хизмат кўрсатадиган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва сотадиган муассасаларини, даволаш-соғломлаштириш масканларини барпо этади, шунингдек аъзоларига ҳамда ўз бўлинмаларига моддий ёрдам бериш юзасидан махсус фонд ташкил этади.

II. АЪЗОЛИК

2. 1. Ўзбекистон ССР-нинг шахсий ёрдамчи хўжаликда меҳнат билан шуғулланадиган, ушбу уставни эътироф этадиган ва иттифоқ ишида фаол қатнашадиган ҳар қандай лаёқатли фуқароси иттифоққа аъзо бўла олади.

2. 2. Иттифоққа тегишли ҳудуд ташкилоти томонидан рўйхатдан ўтказилган шахсий ёрдамчи хўжалик эгаси унинг ўз аризасига биноан қабул қилинади. Шахсий ёрдамчи хўжалик эгаси 2 сўм миқдорида кириш бадали тўлайди ва ҳар йили 3 сўмдан бадал тўлаб туради. Ана шу маблағларнинг 50 фоизи қишлоқ иттифоқларининг тасарруфида қолдирилади.

2. 3. Иттифоқ демократия, ошкоралик ва шахсий ташаббус кўрсатиш принциплари асосида фаолият юритади. Иттифоқ аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

— иттифоқ ишларини бошқаришда қатнашиш, масалаларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилиш, раҳбар ва бошқа органларга сайлаш ва сайланиш, иттифоқ фаолиятини яхшилаш ҳамда унинг ишидаги нуқсонларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш;

— иттифоқ доирасида молиявий ёрдам олиш;

— белгиланган тартибда иттифоқнинг навбатдан ташқари йиғилишлари ва съездларини чақиришни талаб этиш;

— иттифоқдан ихтиёрий равишда чиқиш.

Иттифоқ аъзолари қуйидагиларга мажбурдирлар:

— уставга риоя қилиш;

— аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб туриш.

Уставга риоя қилмаганлиги учун иттифоқ аъзоларига жамоат таъсири кўрсатиш чораси қўлланилиши мумкин, охирги чора унинг таркибидан чиқариш ҳисобланади.

2. 4. Иттифоқдан чиқиш ҳақида ариза берилган кундан эътиборан аъзолик бекор бўлади.

III. ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШ

3. 1. Иттифоққа ушбу уставга амал қиладиган шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг Қорақалпоғистон АССР, вилоят, шаҳар, район ва қишлоқ кенгашлари киради-лар. Улар ўз ташкилий ва молиявий мустақилликларини сақлаб қоладилар, ҳуқуқий жиҳатдан мустақил ташкилот ҳисобланадилар.

IV. ИТТИФОҚ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ

4. 1. Иттифоқ фаолияти бошқарувнинг демократик принципларига, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга асосланади. Иттифоқ ҳуқуқий шахс ҳисобланади, у ўз ишини СССР, Ўзбекистон ССР қонунлари ҳамда ушбу уставга мувофиқ ҳолда амалга оширади.

Иттифоқ халқ депутатлари Советларига сайланган ўз вакиллари ҳамда бошқа шаклларда жумҳурият ҳукуматининг шахсий ёрдамчи хўжаликларни бошқаришга доир сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашади.

4. 2. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг съезди иттифоқнинг олий органи ҳисобланади, у беш йилда бир марта чақирилади. Съезд иттифоқ фаолиятининг асосий йўналишлари ва: шаклларини белгилайди, уставни, тафтиш комиссияси ҳақидаги низомни, шунингдек иттифоқнинг муайян муддат ичидаги фаолияти тўғрисида ҳисоботни тасдиқлайди, иттифоқни қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиб юбориш, ажратиш) ёки тугатиш ҳақида қарорлар қабул қилади, жумҳурият иттифоқи раисини сайлайди.

4. 3. Навбатдан ташқари съезд иттифоқ аъзоларининг камида учдан бир қисмининг, кенгаш ва тафтиш комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисмининг талаби билан ўтказилади. Съездлар ўртасидаги даврда иттифоқнинг юқори органи кенгаш ҳисобланади, у ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий масалаларини, шунингдек устав талаблари, ҳаракат дастурлари, съезд қарорлари ҳамда иттифоқ фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларнинг бажарилишини кўриб чиқишга ваколатлидир.

4. 4. Иттифоқ кенгаши қонун чиқарувчи органлар ва ҳукуматга иттифоқ фаолиятига доир масалалар юзасидан таклифлар киритади;

— иттифоқ фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини тайёрлашда қатнашади;

— иттифоқнинг йиллик бюджетини, яхлит ва энг муҳим тадбирларни, шунингдек барча даражадаги иттифоқ маҳкамаси сонини ҳамда уни сақлаб туришга кетадиган харажатларни тасдиқлайди;

— жумҳурият иттифоқи раисининг ўринбосарларини сайлайди;

— иттифоқ фаолиятининг турли масалалари бўйича бўлимлари, секциялари ва комиссияларини тузади ҳамда бошқа масалаларни ҳал этади;

— фан-техника тараққиётининг энг сўнгги ютуқлари ҳамда ишлаб чиқариш бўлималаридаги илғор тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва амалиётда кенг ёйишни йўлга қўяди;

— кенгашнинг ишчи маҳкамаси фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг масъул ходимларини тасдиқлайди;

— иттифоқ кенгашининг тасдиқланган бюджетига мувофиқ тарзда маблағларнинг ишлатилишини таъминлайди.

Кенгаш мажлислари иттифоқ раиси томонидан зарурат туғилган пайтда, аммо камида йилига тўрт марта чақирилади.

V. МУЛК ВА МОЛИЯ

Иттифоқ уставда кўзда тутилган мақсадлар ҳамда вазифаларни бажариш учун зарур мулк ва пул маблағларига эга бўлади. Унинг бюджети кириш ва аъзолик бадалларидан, шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари, давлат муассасалари, жамоат ташкилотларидан ихтиёрий равишда тушган маблағлар ва ҳоказолардан ҳосил бўлади. Съездларни, кенгаш мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш, ишчи маҳкамасини сақлаб туриш, кадрларни ўқитиш ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни юритиш соҳасидаги илғор тажрибани оммалаштириш билан боғлиқ харажатларни тегишли даражадаги иттифоқлар амалга оширадилар.

Иттифоқ ҳуқуқий шахс ҳисобланади, у турли, амалий битимлар тузиш ҳуқуқига эга. Иттифоқнинг мустақил баланси, банкларда счётлари, Ўзбекистон ССР герби тасвири билан думалоқ муҳри, ўз номи ёзилган штампи ҳамда бошқа ашёлари бўлади. Унинг бухгалтерлик ҳисоб-китоби СССРда амал қилинаётган тегишли қоидалар асосида олиб борилади. Иттифоқда, унинг бўлинмаларида ҳужжатлар ҳаракатининг йўлга қўйилишини иттифоқ президиуми белгилайди.

Ўзбекистон ССРдаги шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг иттифоқи ва унинг кенгаши Тошкент шаҳрида жойлашган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси тўғрисида НИЗОМ

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси (Ўзбекистон Компартияси МНТК) коммунистлар ва партия ташкилотлари томонидан жумҳурият Компартияси марказий органлари ва уларнинг аппарати фаолиятини назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Компартияси съездида сайланади. Комиссия КПСС Уставига ва ушбу Низомга амал қилади, ўз фаолиятида мустақил бўлиб, Ўзбекистон Компартияси съезди ва конференциясида ҳисоб беради.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси:

— КПСС дастурий ҳужжатлари ва Уставининг, КПСС ва Ўзбекистон Компартияси съездлари ва конференциялари қарорларининг бажарилишини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг ижрочи органлари фаолиятида инсонпарварликка, коллегиалликка, ошкораликка, бошқа демократик қоидаларга риоя этилишини назорат қилади, уларнинг қарорлари дастур ва устав қоидаларига, амалдаги қонунларга мос келмаган тақдирда бу қарорлар юзасидан норозилик билдиради, партия сиёсатида бюрократизм, субъективизм ва ўзбошимчиликка қарши, танқидни бўғишга, суиистеъмолга қарши чоралар кўради;

— Партия сафлари бирлигини ва партиявий ўртоқликни мустаҳкамлашга, бошланғич партия ташкилотлари обрўси ва мустақиллигини оширишга ёрдам беради, коммунистнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, партия ташкилотларида ва сайлаб қўйиладиган партия органларида озчиликнинг ўз мавқеини ҳимоя қилиш ҳуқуқи камситилмаслигини, қабул қилинган қарорлар эса барча коммунистлар томонидан бажарилишини кузатиб боради;

— Ўзбекистон Компартияси бюджети ижросини назорат қилади, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг муассасалари, матбуот органлари, нашриётлари ва корхоналарининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади;

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, унинг ижроия органлари ва аппаратида, муассасалари ва корхоналарида партия ташкилотларининг мурожаатларини, хатлар ва аризаларни кўриб чиқиш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилинишини текширади;

— Партия ташкилотларидан ва коммунистлардан ўз номига келган аризаларни кўриб чиқади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, туп унтиришни талаб қилади, ўз ҳаракатлари билан партиянинг обрўсига путур етказувчи ҳар қандай коммунистни КПСС Уставига мувофиқ равишда жавобгарликка тортади. Ўзбекистон Компартияси МНТКнинг партиядан ўчириш тўғрисидаги қарори тегишли бошланғич партия ташкилотига етказилади, бошланғич партия ташкилоти эътироз билдирган тақдирда шу партия ташкилотининг вакили иштирокида қайтадан кўриб чиқилади, ундан кейин қабул қилинган ҳисобланади;

— Партия аъзолари КПСС Уставини, партия олий органлари қарорларини бажаришларини текширади;

— Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон жумҳурият ва вилоят комитетларининг ҳамда тегишли назораттафтиш комиссияларининг КПСС сафидан чиқариш ва жазо бериш тўғрисидаги қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқади;

— Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг назорат-тафтиш комиссияларига методик ёрдам беради, партия назорати практикасини таҳлил қилади.

3. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси Компартия съезди белгилайдиган таркибда сайланади. Ўзбекистон Компартиясининг конференцияси комиссия таркибини қисман (съездлар оралиғидаги даврда учдан бир қисмигача) янгилаш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон КП МНТКга сайланган коммунистлар бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига аъзо бўлишлари ёки унинг аппаратида ишлашлари мумкин эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ялпи мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида икки марта, шунингдек МНТК аъзолари учдан бир қисмининг талабига мувофиқ ўтказилади.

4. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси пленумда ўз таркибидан Ўзбекистон КП МНТК президиумини, шу жумладан Ўзбекистон Компартияси МНТК раиси ва раис ўринбосарларини сайлайди, МНТК аъзолари орасидан, шунингдек маслаҳатчи сифатида тасдиқланадиган бошқа коммунистлар орасидан доимий комиссиялар ва назорат гуруҳларини, бошқа органларни сайлайди, МНТК президиуми ҳамда у тузадиган органларнинг ваколатларини белгилаб беради. Президиум ўз фаолияти тўғрисида пленумга ҳар йили ҳисоб беради.

МНТК аъзосини унинг таркибидан чиқариш тўғрисидаги масала комиссия пленумида кўриб чиқилади. Яширин овоз бериш натижасида ҳозир бўлганларнинг камида учдан икки қисми, лекин съездда сайланган таркибининг ярмидан кўпроғи маъқуллаб овоз берса қарор қабул қилинган ҳисобланади.

5. Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумлари ва комиссиялари ишида, Ўзбекистон КП МНТК раиси ва унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси ва секретариати мажлисларида маслаҳат овози билан иштирок этадилар.

6. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси ишни ошкора олиб боради, ўз фаолияти тўғрисида партия ташкилотларига мунтазам ахборот беради, у қабул қилган нарорлар партия матбуотида эълон қилинади. МНТК аъзолари партия ташкилотларида мунтазам ҳисоб бериб турадилар.

7. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси жумҳурият партия бюджети маблағи ҳисобидан иш учун зарур аппаратни сақлаб туради. Комиссия фаолиятини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети моддий-техникавий жиҳатдан таъминлайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясини сақлаш учун маблағ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва МНТК қўшма пленумларида белгиланади.

8. Ўзбекистон Компартияси МНТК ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўртасида юз берадиган келишмовчиликлар тенг асосда тузиладиган келиштириш комиссияси томонидан, шунингдек Марказий Комитет бюроси ва Ўзбекистон КП МНТК президиуми қўшма пленумлари ва мажлисларида ҳал қилинади. Агар алоҳида-алоҳида овоз бериш чоғида Марказий Комитет ва МНТК аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берса биргаликда қарор қабул қилинган ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси ўз ихтиёридаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, тафтиш якунлари юзасидан акт тузади ва уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, тафтиш этилган муассасалар ва корхоналар раҳбарларига етказади, улар эса кўрилган чоралар тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясига хабар қилишга мажбурдирлар.

Зарур бўлса комиссия назорат текширишлари ва тафтишлар ўтказиш учун жамоатчилик асосида коммунистларни, шунингдек белгиланган тартибда ишига ҳақ тўлаб турли тармоқ мутахассисларини жалб этиши мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг аъзолари ўз вазифаларини бажариш чоғида партия комитетлари, ташкилотлари, муассасалари, Ўзбекистон Компартияси нашриётларининг матбаа органлари тасарруфидаги барча ҳужжатлардан ҳамда уларнинг фаолиятига таалуқли ҳужжатлардан фойдаланадилар. Улар жумҳурият партия ташкилотига қарашли партия ташкилотларининг ва комитетларининг барча йиғилишлари ҳамда мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

10. Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ўзбек ва рус тилларида ўз номи ёзилган муҳри бўлади.

Ёз неъматлари— шаҳарликлар дастурхонига

БОЗОР ХАЛТАЛАРИ ТЎЛИБ КЕТМОҚДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган кенгашда пойтахт аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш масаласи кўриб чиқилиб, бошқа ташкилотлар қатори Тошкент деҳқончилик-саноат қўмитасининг бу соҳадаги иши танқид қилинган эди.

Ҳозирги кунда бу борада аҳвол қандай? Тошкентликлар дастурхони керакли ёз неъматлари билан тўкин бўлиши учун қандай тадбирлар кўрилди? «Ташагропром» савдо бўлими бошлиғи Абдусаттор Йўлдошев шундай деди:

— Тошкент вилоятидаги 44 колхоз ва совхоз билан мева-сабзавот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузганмиз. Пойтахт районларидаги чакана-улгуржи савдо идоралари эса савдо ишларини ҳар томонлама намунали ташкил этишга мутасадди этилган ҳозирги кунда мева-сабзавотлар қатъий график асосида келтириб, шаҳар районларидаги ярмаркаларда сотилмоқда. Масалан, Ташкент райони Киров район меҳнаткашлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтириб, Юнусобод бозори ярмаркасида сотмоқда. Чилонзор районида эса Чиноз районидан келтирилган ноз-неъматлар савдоси қизғин бормоқда. Аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатиш мақсадида 50 га яқин сабзавот дўконлари, 500 дан ортиқ савдо шахобчалари ташкил этилди...

Табиат неъматларини тошкентликлар дастурхонига етказиб беришда жумҳуриятимиздаги деярли барча областлар ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Улар томонидан очилган ярмаркалардаги мева-сабзавотлар аҳолига манзур бўлмоқда. Андижон области деҳқонлари июль ойида 9 хилда 573 тонна, Сирдарё области 790 тонна, Жиззах области эса салкам 2 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтириб сотдилар.

Ҳўш, бундай тадбирларнинг ўтказилиши бозордаги мева сабзавот ҳамда қовун-тарвузга белгиланган нарх-навога қандай таъсир этмоқда?

Яқиндагина фойдаланишга топширилган Эскижува бозорини шу кунларда деҳқон меҳнати саховатининг кўзгуси деса бўлади. Тилими тилни ёрадиган қовун-тарвузлар, ёқут олма-ю, нашвати ноклари, ширин-шакар узумлар кўзни қувонтиради. Бозордаги нархларни кўздан кечирамиз. Узум, шафтоли 1 сўм, қовун ярим сўм, помидор 30 тийин, картошка 80 тийин, пиёз эса 70 тийин.

Биз бозордаги нархларни билиб олгач, мева-сабзавот ярмаркалари томон йўл олдик.

Шанба, якшанба кунлари асосан Самарқанд ва Сурхондарё области деҳқонлари ўз маҳсулотларини олиб келишган экан. Норхўжаев кўчасидаги майдон эрта тонгданоқ гавжум бўлди. Маҳсус машиналарга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортиб келган самарқандликларнинг қўли-қўлига тегмайди. Пештахталарда ранг-баранг мева-сабзавотлар, ҳар ким ўзи хоҳлаган маҳсулотни харид қилиш билан овора. Икки қўлида рўзғор халталарини кўтариб олган ўй бекаси Наталья Ивлеевани бир дақиқа тўхтатамиз.

— Нима харид қилдингиз?

— Пиёз, узум сотиб олдим.

— Қиммат эмасми?

— Йўқ, албатта. 33 тийиндан олган пиёзим бозорда 70 тийин, шафтоли бу ерда 50 тийин. бозорда эса 1 сўм. Қовун ҳам шундай.

Шуни ҳам айтиш керакки, самарқандликлар келтирган маҳсулотлар сифати бозордагидан қолишмайди.

— Бугун 70 тонна маҳсулот келтирдик, — дейди биз билан суҳбатда Самарқанд область матлубот жамияти комиссион савдоси бош мутахассиси Насрулло Абдуллаев. — Мавсум охиригача 590 тонна маҳсулот етказиб берамиз, шу кунгача 300 тонна маҳсулот сотдик.

Биз шаҳримизда ташкил этилган қатор мева-сабзавот ярмаркаларида ҳам бўлдик. Юнусобод колхоз бозоридаги ярмаркадан одамлар бозор халталарини тўлдириб чиқишмоқда. Мазкур бозорда Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоздан келтирилган қишмиш ва оқ узум сотилаётган экан. Улар ҳам сифатли, ҳам арзон. Кишмишнинг ҳар бир килоси етмиш тийин, оқ узумники эса олтмиш тийин. Ўрта чирчиқликлар хизмат кўрсатишмоқда, деб ёзиб қўйилган расталарда эса биз 12 хил мева-сабзавот маҳсулотлари сотилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Мазкур район тайёрлов идорасининг ходими Шавкат Юнусов аҳоли улар кўрсатаётган хизматдан хурсанд бўлаётганлигини айтди, маҳсулот қиммат эмас: оқ шафтоли — 60 тийин. булғор гаримдориси — 35 тийин, помидор эса 20—25 тийин. Ўрта чирчиқликлар шанба, якшанба кунлари қарийб юз тонна маҳсулот сотдилар.

Саховатли деҳқону боғбон қўллари билан бунёдга келган бол томган боғлар эҳсони шаҳарликлар дастурхонини безамоқда.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхоз полизчилари РСФСРга қарийб 200 тонна тарвуз жўнатдилар. Пахтазорлар қисқариши туфайли хўжаликда озиқ-овқат экинлари майдони анча кенгайди. Деҳқонлар жорий йилда бултургидан 420 тонна кўп мева-сабзавот йиғиштиришни мўлжалламоқдалар.

СУРАТДА: полизчилар Йўлдош Ҳаитов ва Ҳусан Қурбонов узилган тарвузларни истеъмолчиларга жўнатишмоқда.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Грановитая палатада маслаҳатлашувлар

Катта Кремль саройининг Грановитая палатасида СССР Олий Совети, СССР Министрлар Совети ишчи гуруҳлари билан иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Советлари мухтор вакилларининг давра суҳбатлари давом этмоқда. Қирғизистон ССР ва Ўзбекистон ССРнинг мухтор вакиллари 7 август куни янги иттифоқ шартномасининг концепцияси тўғрисидаги масала юзасидан ўз таклифларини баён этдилар.

Қирғизистон ССР ишчи гуруҳининг раҳбари —жумҳурият Министрлар Совети раисининг ўринбосари, давлат план комитетининг раиси С. Б. Бегалиев ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан янгиланган иттифоқ зарурлигини уқтирди. Қирғизистон ССР СССРни сақлаб қолишни, СССРни ташкил этиш тўғрисидаги 1922 йил шартномасининг давомийлигини, барча жумҳуриятлар мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлишига кафолат бериш учун иттифоқ муносабатларини демократик асосда қайта қуриш кераклигини ёқлаб чиқмоқда. Жумҳурият вакиллари мухторият мақомини, марказга бериладиган ваколатлар рўйхатини аниқлаш, бирлашиш принципларини қарор топтириш сингари қоидаларни иттифоқ шартномасида қандай акс эттириш лозимлиги хусусида аниқ-равшан таклифлар киритишди.

Ўзбекистон ССР вакили—жумҳурият Министрлар Совети раисининг ўринбосари, давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов ўз таклифларини баён этди. У, жумладан, жумҳуриятнинг янги иттифоқ шартномаси тузилишига аниқ-равшан ёндашувлари ҳамда муносабатини билдирди.

Ҳар икки ишчи гуруҳи мустақил давлатлар иттифоқи тузилишини ёқлаб гапирдилар. Жумҳуриятларда янги иттифоқ шартномасининг лойиҳаси устидаги ишлар давом эттириладиган бўлди.

СССР Олий Совети билан СССР Министрлар Советининг ишчи гуруҳига: СССР Олий Совети Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси раиси Г. С. Таразевич, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети комиссияларининг раислари Н. Н. Гриценко, В. Г. Кучеренко ва Ю. К. Шарипов, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. Х. Догужиев кирдилар.

Жумҳуриятлар Олий Советларининг вакиллари билан Москвадаги маслаҳатлашувлар давом эттирилади.

(ТАСС).

Урганч районидаги Калинин номли колхоз пахтазорлари ёнида мевали боғлар, токзорлар пайдо бўлаяпти. Бу унутилаёзган тармоқка жиддий эътибор берилаётганидан далолат. Хўжаликда сўнгги йилларда барпо этилган 5 гектарлик анжирзор ҳосилга кирди. У келажакда 50 гектарга етказилади. Боғни парваришлашда Қўзибой Қурнёзов алоҳида жонбозлик кўрсатди.

СУРАТЛАРДА: 1. Кекса боғбон Қўзибой Қурнёзов ёрдамчилари Саломат Пирнафасова, Онабиби Зарипова, Ўғилжон Абдуллаева ва Қодиржон Кенжаевлар билан анжирзорда.

2. Илк ҳосил.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ТАҚЧИЛЛИК ҚАМРОВИ

ТОБОРА КЕНГАЙИБ, ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҲАМ ЎЗ ДОМИГА ТОРТДИ

Чекувчиларнинг шу кунлардаги қийинчиликларини ўзи кашанда бўлган киши тўла-тўкис ҳис этади. Шундай одамлар сафида эканлигим сабабли тақчиллик машаққатларига ҳар куни дуч келаяпман. Кўчада кетаётганимда бошқалар чекаётганини кўриб, сигаретанинг хумори тутди. Йўловчиларнинг биридан илтимос қилдим. У узата туриб, гап қотди:

— Ҳозир аввалгидек бемалолчилик эмас, ака. Донаси 15 тийинга тўғри келаяпти, бу қурғурнинг. Бир қутисини чайқовчидан уч сўм га олдим...

Сигаретани ноилож тутатиб, йўлимда давом этарканман, ҳозиргина айтилган гаплар тинчлик бермасди. Бир донасининг чайқов бозоридаги қиймати бўрсилдоқ нон баҳосига чиқиб кетганлиги кишини лол қолдиради. Тошкентнинг Сағбон кўчасида тақчил моллар, шу жумладан тамаки маҳсулотлари савдоси кеча-ю кундуз тинмайди. Бу ерда Болгария сигареталарининг бир қутисини тўрт-беш сўмдан, «Мальборо»ни эса 15—18 сўмдан пуллашаяпти. Ҳатто Тошкент тамаки фабрикасида ишлаб чиқариладиган фильтрсиз сигареталар ҳам давлат баҳосидан уч-тўрт марта қимматга сотилмоқда. Хизмат тақозоси билан ҳукумат идораларига кирганимда ўша жойлардаги кичик дўконларда тамаки маҳсулотлари савдоси қандай ташкил этилганлиги билан қизиқдим. Ҳар бир кишига икки қутидан «Беломорканал» берилаётганлиги маълум бўлди.

Нима учун бундай аҳвол юзага келди? Мутасадди идоралар ва ташкилотларнинг вакилларига шундай мазмундаги саволлар билан мурожаат этдик.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети деҳқончилик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Владимир Гринкевич бундай деди:

— Жумҳуриятимизда тамаки асосан Самарқанд вилоятининг Ургут районидаги 19 та ихтисослаштирилган хўжаликда етиштирилади. Кейинги беш йилда бундай экин майдонлари қарийб 33 фоизга қисқариб, ҳозирги пайтда 7.700 гектарни ташкил этади. 1985 йили 41 минг тонна хом ашё етиштирилган бўлса, бу йил ана шу кўрсаткич 26 минг тоннани ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Тилга олинган даврнинг ҳосилдорлик яхши бўлган йилларида тамакикорлар, Ургут ферментация заводи ходимлари пландан ташқари хом ашёни нима қилишни билмай анча қийналишди. Талаб-эҳтиёж ва планлаштириш ўртасидаги номувофиқликлар турли муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети раиси Шухрат Хожимуродов масалага бир қадар ойдинлик киритди:

— Ургутда етиштириладиган тамакининг учдан икки қисми (мутахассислар уни юқори сифатли хом ашё сирасига қўшишади) республикадан ташқарига ва чет элларга олиб кетилади. Айни пайтда ўзга жойлардан бошқа навларга мансуб 4.500—4.600 тонна тамаки олиб келинади. Сигарета ва папирос тайёрлаш технологияси турли навли тамакилардан мутаносиб равишда фойдаланишни тақозо этади.

Хўш, Тошкент тамаки фабрикасида аҳвол қандай? Шу соҳада ўттиз йилдан бери ишлаб келаётган, ҳозирга пайтда корхонага директорлик қилаётган Михаил Шапиро қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирди:

— Мамлакатимизда 24 тамаки фабрикаси мавжуд. Бу корхоналарнинг айримларида, шу жумладан, бизда ҳам ҳозирги пайтда режалаштирилган созлаш ишлари олиб борилмоқда. Шундай бўлишига қарамай оз миқдорда маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз. Жумҳуриятимизда йилига 205 миллион сўмлик тамаки маҳсулотлари сотилса, шунинг 85 миллион сўмлиги бизнинг корхонада тайёрланади. Бир йилда уч миллион сўм фойда кўрилсада, фабрикани ривожлантиришга жуда оз миқдорда маблағ қолдирилади. Бутун тармоқда бўлгани каби бизда ҳам фильтр, ўров қоғози ва бошқа материалларга қаттиқ тақчиллик сезилмоқда. Бу ишлаб чиқаришга салбий таъсир этмоқда. Уларни Арманистон, Грузиядаги корхоналар етказиб беришмаяпти. Жумҳуриятимизнинг тамаки маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришни кўзлаб Америка Қўшма Штатларидаги «Протоэкс» фирмаси билан қўшма корхона ташкил этишни режалаштирган эдик. Дастлабки келишувлар олиб борилаётган пайтда барча идоралар бизни қўллаб-қувватлаб туришганди. Шартнома имзоланиши арафасида иш бузилди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетидагилар қўшма корхона ташкил этишга рухсат беришмади. Сабабини тушунтиришни хоҳлашмади. Натижада етарли миқдорда тамаки маҳсулотлари тайёрлаш, чет эл валютасининг яна бир манбасига эга бўлиш имконияти бой берилди.

Навбатдаги суҳбатдошимиз «Ўзбекбирлашув» бирлашмаси бошқарувининг раиси Геннадий Волков бўлди.

— Биз бир йилда чет элдан атиги 500 минг сўмлик тамаки маҳсулотларини оламиз, — дейди у. — Шу жумладан Швейцариядан маҳсулот етказиб берилади. Лекин, таъкидланган миқдор жуда кам. Тамаки маҳсулотлари асосан давлат савдоси фондларидан берилади. Тақчилликни маълум даражада камайтириш учун кўпроқ жойлардан кам ерларга ўтказдик. Лекин етказиб бериш тобора камаяётганлиги сабабли аҳвол мушкуллашмоқда.

Жумҳурият савдо министри Мираброр Усмонов ҳам вазият шундай эканлигини таъкидлади:

— Давлат план комитети раиси билан барча омборларни, кўлгина дўконларни айланиб чиқдик. Тамаки маҳсулотлари ғоят камлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. 1990 йилнинг ўтган олти ойида режалаштирилганидан 21,6 миллион сўмлик кам маҳсулот етказиб берилди. Шунча молни Тошкент тамаки фабрикасидан, Россия Федерацияси, Грузия, Молдавиядан, Болгария, Ҳиндистон сингари чет мамлакатлардан олишимиз керак эди. Аҳолига кунига 200 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари сотишимиз керак. Ҳозирги пайтда эса бу кўрсаткич ўн баровар кам бўлаяпти. Тошкент тамаки фабрикаси 1990 йилнинг олти ойида кўзда тутилганидан 10,6 миллион сўмлик кам маҳсулот берди. Бундан ташқари мазкур корхона келгуси йилга мўлжалланган давлат буюртмасининг 7,5 миллион сўмлигини ўз зиммасига қабул қилмаяпти. Бирон бир чора топилмаса, аҳвол янада чигаллашади.

Биз мулоқотда бўлган кишиларнинг барчаси аҳволни ўзгартириш учун шошилинч чоралар кўриш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Уларнинг ўзлари таъкидлаганларидек, яхши истак билдириш билан иш битмайди, амалий тадбирлар кўриш зарур.

Ш. ЗАИНИДДИНОВ,
«Союз» ҳафталигининг Ўзбекистон бўйича мухбири — махсусан «Қишлоқ ҳақиқати» учун.

МЕҲР-МУРУВВАТ ХИЗМАТИ АМАЛДА

Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари уюшмаси йигирма тонна доридармон ортилган вагонни Ўш вилоятига юборди. Айни вақтда Қизил ярим ой жамияти Ўш бўлимининг ҳисоб дафтарчасига 15 минг сўм пул ўтказилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамиятининг совғасидир.

— Ўш вилоятида рўй берган воқеалар жумҳуриятимиз меҳнаткашлари қалбини ларзага келтирди, —дейди жамият раиси Ў. Воҳидова. — Қизил ярим ой жамиятининг жумҳурият ташкилоти ва унинг Фарғона водийсидаги комитетлари меҳр-мурувват ҳаракатининг инсоний мақсадлари ҳамда вазифаларига асосланиб, жабрдийда аҳолига ёрдам кўрсатишга қарор қилдилар. Жамиятнинг Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидаги фаоллари жабрдийдаларга ёрдам бериб, уларга дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотларини бепул юборишмоқда... Айни вақтда бир йўла пул ёрдами ҳам кўрсатилмоқда. Яқин кунларда болалар кийимлари, кўрпа-ёстиқлар ва бошқа энг зарур ашёлар ортилган машиналар Ўшга юборилади.

Редакцияга хат

ҚАТТИҚ ИЗТИРОБДАМАН

«Ҳурматли редакция,» газетанинг 1990 йил 13 июль сонида «Меҳнаткашлар хати «Қишлоқ ҳақиқати» назорасида» рубрикаси остида «Исботини топди» сарлавҳали материал эълон қилинибди. Унда «ер тузувчи инженер М. Намозов вазифасидан озод қилинганлиги инобатга олинган», деб ёзилган. Буни мен ўзимга нисбатан туҳмат деб биламан. Материалда қаламга олинган шикоятга ҳеч қандай алоқам йўқ. Уни текширгани келган тафтишчилар менга «сиз ишлаган даврингизда фалон хато камчиликларга йўл қўйгансиз», деб айтишган эмас. Тўғри, мен Пахтачи районидаги Калинин номли жамоа хўжалигида 1976 йилдан 1989 йилгача ер тузувчи инженер вазифасида ҳалол ишлаб келдим. Бирон маротаба жазо олган эмасман. Камчиликларга нисбатан муросасиз курашганман. Тақдир тақозоси экан, 1989 йилнинг 7 февралида жамоа хўжалиги правлениеси қарори билан шу хўжаликда қишлоқ қурилиши меъмори вазифасига тайинландим. Ҳозирги кунда шу вазифада ишлаб келаяпман.

Юқоридаги бўҳтон кимга керак бўлиб қолдийкин? Бу қандай кўргилик? Айни пайтда жуда қаттиқ изтиробдаман. Мутахассис, коммунист сифатида талабим шуки, мақола қайтадан тафтиш қилинса.

М. НАМОЗОВ»

РЕДАКЦИЯДАН: Дарҳақиқат, Калинин номли жамоа хўжалигида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида 21 киши имзоси билан редакцияга йўлланган мактуб текшириш ва чора кўриш учун Самарқанд область агросаноат уюшмасига юборилганди. У ердан олинган жавоб газета саҳифасида босилганди. Уни айнан келтирамиз:

«Пахтачи районида истиқомат қилувчи Т. Умиров, Ф. Жалилов, Т. Қодиров, Т. Тангиров ва бошқа бир гуруҳ меҳнаткашларнинг Калинин номли колхоз правленнеси раиси Т. Бердиёров йўл қўяётган камчиликлар ҳақида ёзган аризаси олдин ҳам бир неча бор текширилганди. Бу масала жорий йил бошида район ва область агросаноат уюшмалари мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган эди. Бироқ унинг якуни арзчиларни қаноатлантирмаган.

Шу боис уларнинг талаби асосида областдан ва бошқа районлардан мутахассислар чақиртирилиб, қўшимча текшириш ўтказилди. Унинг якуни колхозчиларнинг жорий йилнинг 29 май куни бўлиб ўтган умумий йиғилишида муҳокама қилинган. Унда тафтишчилар, арзчиларнинг бир қисми ҳамда 366 нафар колхозчи қатнашган. Йўл қўйган камчиликлари учун колхоз правленнеси раиси Т. Бердиёров, бош агроном А. Худойбердиев, бош бухгалтер С. Ёрқулов огоҳлантирилди. Ер тузувчи М. Намозовнинг вазифасидан озод қилинганлиги инобатга олинган».

Albatta, расмий жавобга нисбатан ишончсизлик билдиришга ҳақимиз йўқ. Бироқ Мурод Намозовнинг дардли мактуби ҳар кишини ўйга толдиради. Биз бу ишга ҳакамлик қилишни Самарқанд область агросаноат уюшмаси раҳбарларига ҳавола этамиз.

Чет эл хабарлари

ИСЛОМ ДУНЁСИ МУАММОЛАРИ

ҚОҲИРА. (ТАСС мухбири **Владимир Ефремов**). Миср пойтахтида Ислом конференцияси ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг 19-конференцияси тугади. Конференция делегатлари жаҳон майдонида туб ўзгаришлар юз бераётган шароитда ислом дунёси олдида пайдо бўлаётган кўпдан-кўп муаммоларни муҳокама қилдилар. Кун тартибига 80 дан ортиқ банд киритилганди.

Мусулмон мамлакатларининг вакиллари сўнгги мажлисда қабул қилинган якунловчи ҳужжатда жаҳонда Совет Иттифоқи раҳбариятининг янги сиёсати таъсирида бўлаётган ўзгаришлар халқаро аҳволга умуман ижобий таъсир кўрсатаётганини, кескинликни юмшатишга олиб бораётганини, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайишига кўмаклашаётганини таъкидладилар. Ислом конференцияси ташкилотининг аъзолари Шарқий Европа мамлакатларидаги ўзгаришларни табриклаб, улар билан анъанавий ҳамкорликни бундан кейин ҳам ривожлантириш тарафдори эканликларини айтдилар.

Фаластин муаммоси ва Яқин Шарқ можаросини бартараф этиш йўллари конференцияда асосий мавзуларнинг бири бўлди. Конференция қатнашчилари ушбу муаммо Исроил қўшинлари босиб олинган араб ҳудудларидан олиб чиқиб кетилган ва фаластин халқига унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳамда ўз давлатини тузишдан иборат қонуний ҳуқуқи берилган тақдирдагина ҳал қилиниши мумкин, деб ишонч билдирдилар. Улар Фаластин озодлик ташкилотининг фаластин халқининг бирдан-бир қонуний вакили сифатидаги мақомини тасдиқладилар ва БМТ раҳномолигида БМТ хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари ҳамда ФОТ билан биргаликда барча манфаатдор томонлар иштирокида халқаро тинчлик конференцияси тезроқ чақирилиши зарурлигини таъкидладилар. Делегатлар Исроил босқинчиларининг қатағон сиёсатини ҳамда Тель-Авив муаммони адолатли тарзда сиёсий йўл билан бартараф этишни хоҳламаётганлигини қораладилар. Ислом конференцияси ташкилоти мамлакатлари АҚШни Араб-Исроил можаросига нисбатан янада мутаносиб йўл тутишга, ФОТ билан мулоқотни тиклашга, фаластин халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф этишга чақирдилар. Конференция делегатлари яҳудийларнинг Шарқий Европа мамлакатлари ва СССРдан ёппасига кўчиб кетаётганлиги ва улар босиб олинган араб ҳудудларига жойлаштирилаётганлиги муносабати билан ҳам ташвиш билдирдилар.

Анжуман қатнашчилари Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан бартараф этиш ва бу мамлакатда тинчликни тезроқ тиклаш зарурлигини ҳам таъкидладилар. Ислом конференцияси ташкилоти ишида Афғонистон номидан Кобулдаги қонуний ҳукумат вакиллари эмас, балки мужоҳиддинларнинг «ўтиш ҳукумати» намояндалари аввалгидек қатнашдилар. Бу ердагилар кенг асосда ҳукумат тузилиши муаммони сиёсий йўл билан бартараф этишнинг негизи бўлиши хусусидаги қонунинг резолюция матнига киритилишини ислом конференцияси ташкилоти мазкур муаммога соғлом фикр билан ёндашаётганлигининг кўринишидир, деб баҳоламоқдалар.

Ислом ташкилоти конференцияси Ироқнинг босқинчилик сиёсатини кўпчилик овоз билан қоралади ва Ироқ қўшинларининг Қувайтдан олиб чиқиб кетилишини талаб қилди. Бироқ, конференция қатнашчилари ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли ислом конференцияси ташкилотининг мазкур масала юзасидан баёноти Ироқ Қувайтга бостириб киганидан уч кун ўтганидан сўнг қабул қилинди.

ҚИРОЛ ДАЪВАТИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС мухбири Борис Зайцев). Жанубий Осиё малакатлари ҳарбий харажатларни камайтириш ва бўшаб қолган ресурслардан тараққиёт эҳтиёжлари учун фойдаланиш имкониятларини жиддий равишда кўриб чиқишлари керак. Непал қироли Бирендра Ҳималайдаги қиролликка уч кунлик расмий ташриф билан келган Ҳиндистон ташқи ишлар министри И. К. Гужрал билан якшанба куни Катманду шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда шу ҳақда гапирди. Қирол Ҳиндистон бундан буён ҳам Жанубий Осиё регионал ҳамкорлиги уюшмаси доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдам беради, деб умид билдирди.

Бирендра Ҳиндистон ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғининг ташрифи иккала мамлакат учун жуда муҳим бўлган даврда, улар ўртасидаги муносабатлар нормаллаштирилганидан кейиноқ ўтаётганлигини таъкидлади. «Муносабатларимиздаги мураккаб давр орқада қолганидан хурсандман», — деди қирол.

Ҳиндистон-Непал музокаралари натижасида муҳим аҳдномаларга эришилди. Жумладан, томонлар Уттар-Прадеш штатидаги туташ чегара районида яна учта назорат қилиб ўтказиш пункти очиш мажбуриятини олдилар. Деҳли билан Катманду Ҳиндистоннинг чегара шаҳарларини Непалнинг марказий районлари билан боғлайдиган учта темир йўл қуришда ҳамкорлик қилишга келишдилар.

МАЙМУНЛАР ҲУЖУМИ

НАЙРОБИ. (ТАСС мухбири Владимир Манвелов). Кениянинг жануби-ғарбидаги Ньянза вилоятида Ламбуе қишлоғига маймунлар «отряди» ҳужум қилди. Уларнинг ҳаракатига қараганда, «операция»га пухта тайёргарлик кўрилган. Эрталаб соат 10 да 20 га яқин маймун маҳаллий бойнинг уйига бостириб кирди. Уй эгасини бурчакка қисиб қўйиб, тўғри ошхонага йўл олди. Маймунлар қоринларини тўйдиргач, уй ёнида юрган товуқларни қувлай бошладилар. «Талончилар»нинг худди шу ҳаракати уларни мағлубиятга олиб келди.

Уй эгаси маймунлар товуқларни қувлаш билан овора бўлиб кетганидан фойдаланиб, ящиринган жойидан чиқди ва бақира - бошлади. Яқин атрофда мотам маросими ўтаётган эди. Маросим қатнашчилари ғам-ғусса маросимини қолдириб, маймунлар ҳужумини қайтаришга киришдилар. Бироқ маймунлар ҳам қочишни ҳаёлига келтиришмади. Улар яна ошхонага кириб, ғамлаб қўйилган таомларни тугатишди, одамларга эса «қўлига тушган» нарсани ота бошладилар. Сабр-бардоши тугаган кишилар таёқларни ишга солишди. Натижада учта маймун ўлдирилди, нечтаси ярадор бўлгани ҳақида хабар қилинмади.

ТУЗУМ ҚУРБОНЛАРИ

САНТЬЯГО. (ТАСС мухбири Валерий Задко). 1973 йил 11 сентябрдаги давлат тўнтаришидан кейин Чилида ўрнатилган генерал Пиночет ҳарбий режими ҳукмронлиги даврида минг киши отиб ташланган ва 800 киши «бедарак йўқолган» деб ҳисобланмоқда. Бу ерда бўлиб ўтган журналистлар билан учрашувда Чили ички ишлар министри Энрике Краусс шу ҳақда гапирди. Чили ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг маълумотларига қараганда, отиб ташланган қурбонлар дафн этилган биродарлик қабристонларининг сони 300 тага етади, деди у.

Э. Краусс малакат жамоатчилигини «сабр-бардошли бўлишга», Чили тарихининг оғир даври тўғрисидаги аччиқ ҳақиқатни «тушуниб етишга ва жиддий қабул қилишга» чақириб, ҳозир тергов олиб бораётган судьялар Пиночет диктатураси вақтида инсон ҳуқуқларини бузган барча кишиларнинг айбдорлиги даражасини белгилаб бериши лозим, деб таъкидлади.

Журналистлар билан учрашувда сўзга чиққан ички ишлар министрининг ўринбосари Белисарио Веласко сўнгги бир неча ҳафта давомидагина биродарлик қабристонларида 48 та жасад топилганлигини айтди. Қатл этилганларнинг кўпчилиги халқ бирлиги блокининг тарафдорлари, шунингдек сўл партиялар ва касаба уюшмаларининг вакиллари эдилар.

ЁДГОРЛИК БУЗИЛМОҚДА

ВАРШАВА, 7 август. (ТАСС). Польшанинг жануби-шарқида, СССР билан чегарадош ерда жойлашган Пшемисль шаҳри коммунал хизмати идораси совет жангчиларига миннатдорлик белгиси остида ўрнатилган ёдгорликни душанба куни бузишга киришдилар. Ёдгорлик Пшемислни озод қилиш учун жангларда ҳалок бўлган Совет Армияси аскарлари ва офицерлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида 1945 йилда қурилган эди.

Шу йилнинг июль ойи охирида маҳаллий шаҳар кенгаши ҳайкални ва ҳалок бўлган кишилар жасадларининг қолдиқлари солинган қутини маҳаллий ҳарбий қабристонга кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қабристонга ҳалоскор жангчиларнинг ҳоки кўмилган. Ёдгорликни бузиш билан бир вақтнинг ўзида ҳарбий қабристонда миннатдорлик ёдгорлигини ва мархумлар ҳоки солинган қутини ўрнатиш учун майдон тайёрлашга ҳам қизғин киришилди.

Кейинги вақтда Польшанинг турли чеккаларидан мамлакатни фашистлардан озод қилиш учун курашда жонини қурбон қилган совет жангчилари ёдгорликлари бузилаётганлиги тўғрисида тез-тез ҳабарлар келиб турибди. Ченстохов, Сандомир, бошқа шаҳарларда ҳалоскорларга ўрнатилган ёдгорликлар олиб ташланган ёки бошқа ерга кўчирилган. Катовице шаҳрида мамлакатни фашистлардан озод қилиш учун курашган совет ҳарбий саркардаларининг номи қўйилган кўчалар номи ўзгартирилмоқда. Краковда шаҳар кенгаши депутатларининг бир гуруҳи совет солдатларининг жасадини гўрдан кавлаб олиш ва уларнинг қолдиқларини маҳаллий ҳарбий қабристонга қайта кўмиш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббусни асослаш учун бундай ҳаракат гўёки Польшанинг мустақиллиги узил-кесил тикланганлигидан далолат беради, деб баҳона қилдилар. Бироқ ақл билан иш тутувчи кишиларнинг кўпчилиги бундай фикрни рад этди.

Элизабет Тэйлор — америкалик машҳур кино юлдузи. У «Баттерфилд, 8» ва «Виржиния Вульфдан ким қўрқади?» фильмларида аёллар ролларини юксак маҳорат билан ижро этганлиги учун икки марта Америка кино санъати академиясининг «Оскар» олий мукофотига сазовор бўлган. Совет томошабинларига эса «Клеопатра», «Ойна синиб кетди» ва бошқа лента лар орқали яхши таниш.

СУРАТДА: Элизабет Тэйлор саҳнадаги шерикларидан бири—америкалик таниқли актёр, собиқ эри Марлон Брандо билан.

ТАСС сурати.

ЧСФР. Марказий Богемиядаги завод филиали «Татра-613» типидаги тез ёрдам машинаси ишлаб чиқара бошлади. У беморга зудлик билан таъсирчан тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча зарур жиҳозлар билан таъминланган.

СУРАТДА: тез ёрдам машинасининг ташқи тўрниши.

ЧТК—ТАСС сурати.

Меросимизни қадрлайлик!

ЁД ЭТИБ КЕЛДИ ХАЛОЙИҚ

«Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам».
Жавоҳарлаъл НЕРУ.

Ҳар нарсанинг фурсати, вақти-соати бор, деганлари тўғри экан. Орзиқиб кутилган дамлар келди, тарих тилга кирди.

Эсимда: 1956 йилнинг ёз ойлари эди. Андижон вилоятининг Ҳултонобод қишлоғида (Қўрғонтепа ноҳияси) шифокорлик қилаётган йилларим. «Меҳмонлар келишаяпти, йўлларни супуриб тозаланглар, сув сепинглар» деган буйруқ берилди юқоридан.

Меҳмон азиз. Катта-ю кичик тоғ тоғ ёриқни тезда бажо қилди. Туш палласи. Иккита қизил автобус мотоцикл минган ГАИ ходими (ажабланманг, ўшанда буни кўриб ҳамма ҳайратланган). Кампирровот томон (у вақтда сув омбори йўқ эди) ўтди.

Билсак, Вирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳинд ва афғон делегацияси Бобур юрти билан кўркам ҳисобланган Кампирровотни зиёрат қилгани келибдилар. Меҳмонлар орасида Неру таърифлаган дилбар шахснинг иккинчи юрти ҳисобланмиш Агра ва Кобулдан ҳам кишилар бор экан. Улар «Худога шукур, мана Бобурмирзонинг киндик қони тўкилган ерга пойи қадамимиз тегди. Қани, бир унинг уйи ва ҳовли-жойини кўриб, ҳаққига дуо қилайлик!» дебдилар. Шаҳар маъмурлари учун кутилмаган ҳол! Қаерга олиб боришларини билмай хижолатдалар. Бири масжидга, бошқаси мадрасага бошлаб: «Сиз айтган улуғ зот шу ерда тавалуд топган» дейдилар.

Меҳмонлар — зийрак, зукко, маърифатли кишилар. «Биз Бобурнинг хизматларини эъзозлаб, аввалдан келамиз. Халқимиз ул зотнинг ҳурматини асрлар оша наслдан наслга меҳр-муҳаббат ила олиб ўтади, ҳоки пойига таъзим қилади. Афсуски, туғилиб ўсган юртида ундан ному нишона қўрмадик».

Ҳамюртлар хижолатдалар...

Давр шунақа эди. «Ўтмишни ўйлама. Орқанга қарама. Коммунизм сари, олға!» — каби чақириқ ва шиорлар ҳар қадамда кўзга ташланар эди...

1989 йил. Июнь, июль ойлари. Ўш. Сулаймон тоғи. Пастда ҳам, юқорида ҳам саратон қуёши олов пуркайди. Йиғилган туманоқ одам терга ботган, енг шимарган. Ёшу қари, эркагу аёл Оқ уйни қайтадан бунёд этиш учун узоқ-яқиндан ҳашарга келишган. Бирининг қўлида ғишт, бошқалар цемент ва қум солинган пақир, темир-терсакларни кўтарган ҳолда чўққига чиқмоқдалар. Ҳар ким кучи етганча, баҳоли қудрат ёрдам бермоқда. Уларга: «Тасанно! Сизларга омад ёр ва мададкор бўлсин» дейсан дилингда.

Чумолининг интизомли ва машаққатли ишига эътибор берганмисиз? Тиришқоқлигига тан бермоқ лозим. Ҳатто уяси бузилиб, кўмилиб кетганда ҳам инини тузатишга ҳаракат қилади. Одам тиришқоқликни чумолидан ўрганганми ёки бу жонивор инсондан ўрганганми, билмадим. Ҳарқалай ўхшашлик бор...

Хайрли ва хосиятли иш тезда самарасини берди. Оқ уй ва унга кўтарилиш йўллари (зинапоялар) ҳашар усулида битказилди. Аммо... юз йиллаб салобат кўркини сақлаб, улуғ шахс руҳи ва хотиротини авлодлардан авлодларга олиб келган ушбу хонақо бизнинг замонамизда бузиб ташланди. Уруш ҳам эмас, зилзила ёки довуллар ҳам эмас, бир гуруҳ амалдорлар имзоси билан шундай қилинди. Кўз олдимизда жирканч, кечирилмас гуноҳи азим рўй берди. Виждонли, оқил одам ақлсизлар ишини кўриб ёниб кетади, ёниб!

Шу ўринда бир савол туғилади: бузиб ташлашга буйруқ берган, бу ишда фаол қатнашган, 50 минг сўмдан зиёд пулни тоғдан туриб, қоронғи бир кечада ғиштга (тошга) қўшиб қулатган шахслар бормиканлар ҳозир? Агар тирик бўлсалар бузишга кетган харажатни қоплашга виждон амри билан ҳамёнларидан сарфласалар, гуноҳларини оз бўлсада ювармидилар! Ўша номақбул кимсалар бир кулбанги вайрон айлаб, бир туп дарахтни кесиб юборишлари билан «Ислом динини таг-томири ила йўқ қилдик» деган хом ҳаёлга боргандирлар эҳтимол?

Рўй берган фожиа ҳақида, калтабинликнинг ёрқин тимсоли тўғрисида ўша йили «Фан ва турмуш» журналига ёзган эдим. «Биз бунга аралаша олмаймиз. Ўш вилоят партия комитетига ва вилоят Совети ижроия комитетига мурожаат этинг» деган жавобни олгандим. Аммо бу билан иш битмади. Халқ тоққа ёпирилиб чиқаверди, бири қўрғон ўқиса, иккинчиси калималар келтирди, бошқаси номоз ўқиди тоғ устида...

Орадан йиллар ўтди. Панжарали айлана қирқиб ташланиб, тоғ тепасида яна Оқ уй қад кўтарди.

Одамзодга, ҳақиқатга офарин!

Сулаймон тоғида яна ҳашар. Хивалик меъморлар таклиф этилдилар. Улар тоғ устига чодир тутдилар. Бири ғиштни зарур шакл ва ҳажмда арралар, бошқалар бевосита қурилиш ишлари билан машғул бўлардилар. Хуллас, қадимий меъморчилик санъати тантана қиларди.

— Хуш келибсиз бизнинг даргоҳга! — дея хурсандчилигимни изҳор этдим меҳмонларга.

— Саломат бўлинг!

Анча суҳбатдан сўнг:

— Халқимизда ҳашар деган ажойиб анъана бор-да. Иш жадал бораяпти, ёшуллни. Қоғозбозларга қолсами, ҳали-бери битмасди бу иш,— дилдан гапирди бош меъмор.

Ҳашар — барчага яраша. Хаёлимдан шу фикр ўтди-ю аскарларга бош-қош бўлиб турган ўрта яшар майор билан гаплашиб қолдим. У қирқ нафар навқирон йигит ёрдамга келгани, келгуси шанбада улар сони 100 кишига етишини айтди.

Жумлаи мўмин, савобли ишга қўл урган хотин-қизларни кўрсангиз эди, лол қолардингиз. Ранг-баранг кўйлак кийган ўттиздан ортиқ қиз-жувонлар ғишт кўтарган, қум ва цемент солинган челакларни тутган ҳолда зиналардан юксакка кўтарилар эдилар. Улар Ўш шаҳрининг турли ташкилотларидан келганлар.

— Балли, қизлар!

Мени яна бир нарса ҳайратга солди. Бу — ўзбек аёлларининг меҳр-муруввати, меҳмондорчилиги, одамгарчилиги. Ҳар борганимизда (камина ҳашарни эшитиб, Андижон вилоятининг Избоскан ноҳиясидан 70 чақирим йўл босиб, унда ўғлим билан қатнашдим) икки-уч аёл тугун, дастурхон кўтариб, тоққа чиқаётганининг гувоҳи бўлганман. Улар ош, нон, қатлама, сомса, ҳатто шишаларда ичимлик сув билан тоғда меҳнат қилаётганлар ҳолидан хабар олиб турдилар.

Ўшлик хотин-қизларга минг раҳмат!

Нортуя ўркачи каби салобатли тоғ. Устига Оқ уйни миндириб олган. Андижон, Ўзган, Наманган, Фарғона, олтин водийнинг бошқа ноҳияларидан келган ўзбек, тожик, қирғиз, татар, рус бир жон-бир тан бўлиб қурилишда иштирок этдилар. Дўстлик, биродарлик, байналмилаллик туйғулари ўз кучини кўрсатди Сулаймон тоғида бўлган ҳашарда.

Ҳамма соҳада ҳамиша шундай якдил ва бирдам бўлайлик!

Дарвоқе, ўғлимнинг исми Бобур. У ҳам эл қатори кўмаклашди. Ғишт ташиди, пақир кўтарди. Замон чархи айланар экан, Бобур ҳузурига Бобур ва бобурийлар келадилар, келаверадилар. Ёш авлод билсин, ўргансин, қалб кўзи билан қарасин ўтмиш ва бугунги кунга.

Бухорои шарифдан таш риф буюрган 70 яшар Абдулҳақ ота Шарипов халқлар дўстлиги шаънига дуолар ўқиди, дил сўзларини юракюракдан айтди. Билсам, бу нуроний 1939—1940 йиллардан буён Сулаймон тоғига чиқар, Бобур уйини зиёрат қилар экан.

Умид яхши нарса. Инсон доимо умид билан яшайди. Биз ҳам келажакни орзу ила олдиндан ёрқин кўрамиз.

Оқ уйнинг олд томонида кичик майдонча бор. Шу ерга Бобурнинг тик турган ҳолатдаги кўриниши қўлда китоби билан ёки от минган тасвирда тошдан ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлармиди. Аммо иш тўғраларга топширилмасин зинҳор! Чунки йилдан-йилга ўтиб чўзилиб кетади ёки чала қолади. Мададкор халқимиз бор. Ҳа, деса— бас.

Бу — менинг фикрим. Кўпчилик нима деркин? Бобурнинг она юрти — Андижонда ҳам бу каби хайрли ишларни қилишнинг вақти-соати келмадимикин? Яқинда ана шу йўлда илк қадам ташланди: Андижондаги шохқўчалардан бири Жданов номи билан аталарди. Энди бу сўз ўрнига қизил ҳарфларда катта қилиб «Бобур» деб ёзилди.

Исмоил ВАЛИШИН,
Андижон вилоятн Избоскан ноҳияси саломатлик марказининг инструктори, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти вилоят бўлимининг аъзоси.

Жиззах вилоятн Пахтакор районидагн «Самарқанд» совхознда жойлашган район матлубот жамиятига қарашлн «Самарқанд» ресторанида қўлн гул пазандалар ишлайдн. Санталат Баратова улардан биридир. У тайёрлаётган таомлар хўрандаларга манзур бўлмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

АНДИЖОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ЁШЛАР МАРКАЗИ ХИЗМАТДА

Буюртмачилар Асака шаҳар комсомол комитетн ҳузурида хўжалик ҳисоби асосида фаолнят кўрсатаётган «Комплекс» ёшлар марказн хизматндан миннатдор бўлмоқдалар. Зайниддин Тожибоев бошлиқ безовчи-рассомлар, Араббой Худойқулов раҳбарлигндаги қурувчи-монтажчилар бригадаси жамоаси яхшн ишлаётганн туфайли бирнчн ярим йнлда 50 минг сўмлик ҳажмда иш бажарилдн. Бу — белгиланганидан анча кўп.

Шу йнлнинг ўтган ойлари мобайнида Беруний номли ўрта мактаб, 23-ўрта ҳунар-техника билим юртн, Андижон паррандачилик фабрикаси, ноҳия юқумли касаллнклар шифохонаси снигари объектларда бадиий безатиш, пардозлаш, жорий ремонт ишлари сифатлн бажарилиб, эл олқишнга сазовор бўлинди. Кўпчилик Раҳмон Сариқулов, Тоҳир Алқориев, Манноб Шаробиддинов, Исмоил Исмонлов маҳоратнга таҳсин айтмоқда.

Ғ. СОБИРОВ.

НОМЛАРИ БИЛАН АТАЛДИ

Кўпгина совет халқларининг содиқ фарзандлари қатори ўзбек ўғлонлари ҳам Афғонистонда иноқилоб душманларига қаршн мардларча курашдилар. Афсуснн, уларнинг айримларн қайтиб келмадилар, жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлишдн.

Маданнят қишлоғнда уларнинг хотнрасинн абадийлаштиришга қарор қилинди. Бу ердагн кўчаларга қаҳрамон жангчилардан Зоҳиджон Қувонов, Ҳамиджон Ғаниев, Маъмуржон Мамадалиев номлари берилдн. Бу мардн майдон йнгитларга халқ эҳтнроми нфодасндир.

О. ОДИЛОВ.

«НАВРЎЗ»ГА МАРҲАМАТ

Олтинқўл ноҳиясидагн Калнинн номли жамоа хўжалнгнда мактабгача тарбия масканлари яна бнтта кўпайдн. Яқинда бу ерда ишга туширилган 140 ўрнинли болалар боғчаснга «Наврўз» номн берилдн.

Кичкинтойлар учун бу шинам масканни бнр гуруҳ қўлн гул бнноколрлар ишга тушнрдилар. Янги болалар боғчаснннг ҳар бир ҳонаси замонавнй мебель, зарур асбоб-анжомлар, жиҳозлар билан таъминланиб, эркатойларнинг яхшн тарбия топишлари учун қулайлик яратилдн. 90 ўрнили ошхонада уларга лаззатлн таомлар тайёрлаб берилмоқда.

Т. ҒАФУРОВ.

КИТОБ БИЛАН ДЎСТЛАШИБ

Жумҳурият болалар кутубхонасининг ходимлари ҳатто ёзги таътил кунларида ҳам ўз ўқувчилари билан учрашиб турадилар. Улар кўчма бригадалар ташкил этиб, пионер лагерларида дам олаётган болаларга китоблар олиб келишади.

«Бургутча», «Бўрон қуши», «Юлдузча», «Гулхан» пионер лагерида дам олаётган болалар ғилдиракли кутубхона хизматидан фойдаланишди. Кутубхона ходимлари ёзги таътил кунларининг икки ойи ичида Тошкент вилоятидаги ўнлаб пионер лагерларида бўлишди. Улар бу лагерларга болаларнинг дидига мос келадиган китобларни олиб келишади. Болалар бундай учрашувларда хоҳлаган китобларини танлаб олиш билан бирга, кутубхона ходимлари ўтказадиган адабий топишмоқларда, янги китобларнинг шарҳини тайёрлашда қатнашадилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ МАГАЗИНЛАР

Андижоннинг янги қурилаётган бешинчи микрорайонида янги универсал магазин очилди. Савдо майдони салкам бир ярим минг квадрат метрни ташкил этган. Савдо залларида ўзига-ўзи хизмат кўрсатилади. Ветеранлар ва ногиронлар учун махсус бўлим, дам олиш хонаси бор. Буюртмалар хизмати ва қаҳвахона очилди. Андижон тиббиёт институти жамоаси ҳам катта озиқ-овқат магазинига эга бўлди.

Андижонда шаҳар савдо бирлашмаси магазинларининг сони 150 тадан ошиб кетди. Бирлашма жамоаси белоруссиялик ҳамкасбларининг илғор усули асосида харидорларга комплекс хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотларигина эмас, шу билан бирга хўжалик ва рўзғор буюмлари билан савдо қилинмоқда, қаҳвахона ва буфетларда ғамадди қилиб, хордиқ чиқариш мумкин.

Шаҳар савдо бошқармаси йил охиригача шаҳарнинг энг гавжум микрорайонлари ва маҳаллалари аҳолисининг талабига кўра яна бешта озиқ-овқат магазинини очишни мўлжалламоқда.

СПОРТ ахборот

ФУТБОЛ

«Таврия» — «Кузбасс», «Тирас» — «Локомотив» (Москва) — учрашувлари билан малакат чемпионатининг биринчи лигасида навбатдаги тур бошланди. Иккала матчда ҳам майдон эгаларининг қўли баланд келди. Масалан, Симферополь футболчилари «Кузбасс» дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллаб, қимматли икки очкони қўлга киритдилар. «Тирас» эса олий лигага чиқиш учун даъвогарлик қилаётган коллективлардан бири — Москва темир йўлчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Бугун биринчи лига командалари турнинг қолган матчларини ўтказишади. Пахтакорчилар Краснодарда маҳаллий «Кубань» коллективи билан учрашадилар.

* * *

Иккинчи лиганинг шарқий ва Ўрта Осиё минтақаларида мусобақалар тобора қизимоқда. Уларга кирган коллективлар узоқ муддат давом этган танаффусдан сўнг иккинчи давра ўйинларини бошладилар. Ҳақли равишда жумҳуриятимизнинг кучли командаларидан бири — «Нефтяник» сафарда тўп сурди. Фарғоналик футболчилар Павлодарда маҳаллий «Трактор» коллективи билан учрашдилар. Унда ўйин тақдирини «Нефтяник» ҳужумчиси Рустам Дўрмонов майдон эгалари дарвозасига киритган ягона тўп ҳал этди. Бу ғалаба ҳамюртларимизга тўртинчи ўринга чиқиб олиш имконини берди. «Нефтяник» ҳисобида ҳечиктирилган яна бир неча учрашув бор. Уларни муваффақиятли ўтказган тақдирда яна бир неча поғона юқори кўтарилиши мумкин.

Ўтган куни бу минтақада бўлиб ўтган навбатдаги учрашувлар ўйинлар жадвалига ўзгаришлар киритиши турган гап.

Ўрта Осиё минтақасида эса «Нурафшон» (Бухоро) командаси пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Кўҳна ва ҳамиша навқирон бу шаҳар футболчилари 20 учрашувдан сўнг 33 очко тўплаб, биринчи ўринда бормоқдалар. Бу иккинчи поғонага чиқиб олган яна бир командамиз — «Косонсойчи»дан уч очко кўпдир.

Умуман олганда жумҳуриятимиз коллективларидан еттитаси кучли ўнликда бормоқда.

ШАЙБАЛИ ХОККЕЙ

Мамлакат биринчилигининг олий лигасида бу йилги мусобақалар бошланишига бир ойга яқин вақт қолди. Шу боис кучли коллективлар мавсумга тайёргарликни кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Яқинда ниҳоясига етган Яхши ният ўйинларида мамлакатимиз хоккейчиларининг биринчи ўринни олишлари буни яққол кўрсатди.

Аввало гапни ўтган мавсум чемпионлари — Москва динамочиларидан бошлайлик. Улар шу кунларда давом этаётган «Чегарачи» совринни учун мусобақаларда қатнашмоқдалар. Динамочилар биринчи учрашувни ўзларининг қуйи лигада ўйнайдиган клубдошлари билан ўтказиб, 7:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Улар таркибида қандай ўзгаришлар бор? Бу ишқибозларни қизиқтириши турган гап. Команда капитани Анатолий Семенов Шимолий Американинг кучли профессионал клубларидан бири, Стэнли совринининг соҳиби «Эдмонтон Ойлерз» билан икки йилга шартнома тузди. Антипов Австрияда, Вожаков Швейцарияда, Мишкин эса Финляндияда ўйнаш ниятида. Яшин ҳам командадан кетмоқчи. Ў Семенов каби «Эдмонтон Ойлерз» клубида куч синашга тайёргарлик кўрмоқда.

Демак, уларнинг ўрнини кимлардир босишлари керак. Пермнинг «Молот» командасидан ёш ҳимоячи Филимонов, Минскнинг «Динамо» коллективидан ҳужумчи Андриевский, Саратовнинг «Кристал» клубидан ҳимоячи Баутин, яна бир қанча қобилиятли хоккейчилар чемпионлар сафида ўйнаш истагини билдирдилар.

Қисқаси, динамочилар мавсумга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Муҳаррир
А. Ғ. МУХТОРОВ.

Халқ санъати

НАМАНГАНЛИК СЕҲРГАРЛАР

Гапнинг рости, ўша дақиқаларда ҳамма — труппа раҳбари Неъматжон Маматов ҳам, «Наманганлик сеҳргарлар» программасида қатнашувчи артистлар ҳам қатнқ ҳаяжонда эдилар. Кўпчилиги Ватанимиз пойтахтида илк бор томоша кўрсатаётгани учунгина эмас, балки М. Горький номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида турли мамлакатлардан келган жаҳонга машҳур цирк артистлари йиғилишганди. Масалан, хитойларнинг номерлари шу қадар ажойиб, мураккаб ва нафис эдики, томошабинлар ҳайратдан ёқа ушлашарди, тасаннолар айтишарди. Дуровларнинг ҳайвонлар театри болаларнинг қарсакларига сазовор бўлаётганди. Сал нарида эса ҳайвонларни ўргатувчи, РСФСР халқ артисти Борис Бирюков шерлар, йўлбарслар, қоплонлар билан томоша кўрсатарди. У СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ирина Бугримованинг шогирди ҳисобланади. Кейинчалик мен ана шу машҳур цирк устаси билан суҳбатлашдим.

— Йигитларингизнинг дор ўйинлари ялангоёқ Тошкенбойни ёдимга солди, — деди у (РСФСР ва ЎзССР халқ артисти, Ўзбекистон жумҳуриятининг Меҳнат Қаҳрамони Тошкенбой Эгамбердиевни назарда тутаётган эди — **Т. О.**).— Менга маъқул тушган томони шу бўлдики, уларнинг чиқишларида бошдан-оёқ миллий руҳ, самимийлик бор, ўз томошаларини катта байрамга айлантиришди. Бу —энг муҳими. Сизларни табриклайман.

Хитойлик йигитлар — артистлар ва элчихона ходимлари русчасига баҳо бериб қўйдилар: ўнг қўлнинг бош бармоғини юқорига кўтаришди. Шундоққина ёнимиздаги майдонда қизиқчилар гуруҳида қатнашаётган Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист Гурам Николашвили танаффус пайтида ёнимга келди. У ҳаяжонда эди.

— Биласизми, Тўлқин ака, — деди Гурам, — йигитларингизнинг чиқиши мени яна Тошкент циркига, Ўзбекистонга, меҳмондўст ва дастурхони тўкин ўлкага қайтаргандек бўлди. «Наманганлик сеҳргарлар» давр руҳига, она тупроқ номига жуда мос. Неъматжон Маматовга қойил қолдим. Тишининг кучи билан «Жигули»ни кўтарса, сим боглаб «ЛАЗ»ни тортса — ҳайратга тушмай бўладими. Ҳақиқий ўзбек паҳлавони экан. Бундай кишиларни рағбатлантириш зарур, кейинчалик кеч бўлади.

Ўша кунлари Москвада тез-тез ёмғир ёғиб турди. У тўхтаб осмонда қуёш кўринганида ҳаммаёқни одам босиб кетди. Офицерлар Ватанимиз пойтахтида хизмат қилишаётган жангчи-ўзбекларни олиб келишганди, ораларида намаганликлар ҳам кўп эди. Маълум бўлишича, Москвада юз мингдаб татарлар истиқомат қилишаркан. Улар артистларни уйларига чақириб миллий таомлар билан сийлашди, ҳар куни томошаларга келиб туришди. Касби инженер, табиатига кўра мусиқачи ва хонанда Абдужалил Соиповни яхши эслаб қолдим.

— Бизда дор ўйинлари бўлмайди, — деди у. — Аммо бу томоша мусиқа, қўшиқ, рақсларга бойлиги билан «Сабантўй» деб аталадиган миллий байрамимизга жуда ўхшаб кетар экан. Ўзим ҳам, болаларим ҳам қадимий ўзбек санъати билан танишганимиздан ғоят хурсандмиз.

Собиқ қизиқчи, эндиликда режиссёр-постановкачи, сценарийчи, «Совет қизиқчилиги» дарслигининг муаллифи, санъатшунослик номзоди С. М. Макаров ўзбек тилидаги программани кўриб бўлгач (нем томоша давомида микрофон орқали рус тилида шарҳлаб турдим), ўз таассуротларини ўртоқлашди:

— Цирк куни мен учун чинакам байрам бўлди. Назаримда, сизларда санъатдаги асрий алоқадорлик сақланиб қолган. Ўтмишдошларингиз анъаналарини муносиб даражада давом эттирмоқдасиз. «Катта дор» ўйини артистларга ўз ижодий қобилиятларини намоён этиш учун кенг имконият очиб беради, ижроси оддий, лаконик, турмуш тарзига яқин. Ҳа, Шарқ ҳамиша доно ва ишбилармон бўлган.

Бундай байрам ўтказилишига В. И. Ленин томонидан имзоланган «Театр ишларини бирлаштириш тўғрисида»ги декретнинг 70 йиллиги сабаб бўлган эди. Ўша ҳужжатга кўра цирк ҳам давлат муассасалари системасига кирган, санъат тури сифатида расман тан олинганди.

Москвада ўтказилган ўша байрамда «Наманганлик сеҳргарлар» программасини полвонлардан Неъматжон ва Камолхон Маматовлар, иллюзионист Дадахон Умаров, кўзбойлоғич Аҳмаджон Маматов, дорбоз ва трапецияда эквилибрист Олим Обидинов, қизиқчи ва дорда акробатчи Қосимжон Файзуллаев, мусиқачилар Етмиш Марозиқов (сурнай), Ғофиржон Қодиров, Жамолхон Маматов (ноғора ва чилдирма), кичик полвон ва дорбозлардан Шерзод, Дилшод ва Турсунали Маматовлар ижро этдилар.

Инсон имкониятлари чегара билмайди. Мана ярим йилдирки, Неъматжон Маматов экстрасенсгипнозчи сифатида чиқишлар қилаяпти. Унинг сеансларида ҳамиша енгил ҳазил-мутойиба сезилиб туради. Томошабин ва гипнозчи ўртасида бир-бирига тўла ишонч вазияти ҳукмрон. Дардига шифо топган баъзи кишилар билан учрашиб, суҳбатлашдим. Узоқ йиллар гунг бўлиб келган киши ғапира бошлабди, кўрпа-ёстиққа михланиб, ҳаракатсиз ётган бемор оёққа туриб кетибди.

Неъматжон Маматов шу кунларда Самарқанд вилоятида «Саломатлик сеанслари» ўтказмоқда.

«Наманганлик сеҳргарлар» Москвада эътироф этилди, демак, халқаро майдонга чиқиш учун йўл очилди. Жумҳуриятимиз Маданият вазирлиги раҳбарияти бу ижодий коллективнинг хорижий мамлакатларга гастролларини уюштириш ҳақида ўйлаб кўрса, чакки бўлмасди. Кўп миллатли совет цирки кўриги совриндорларининг бунга ҳақлари бор, деб ўйлаймиз.

Тўлқин ОБИДОВ,
санъатшунослик номзоди.

Ойнаи жаҳонда

10 АВГУСТ, ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 «Ҳақиқий эртак». Болалар учун фильм.
12.30 «От учун ярим давлат». Телефильм.
12.50 «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
Қувноқ ўтсин таътиллар
17.40 «Болалар ва мусиқа».
19.00 «Дала неъматлари — эл дастурхонига».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Тилга эътибор».
20.30 Москва. «Время».
21.00 Тижорат хабарлари.
21.15 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Шукуров ижросида ўзбек классик ашулалари.
21.50 «Одобнома».
22.00 «Ахборот».
22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Дўст». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Салом, қақнус». Телефильм.
18.20 «Иккиёқлама қопқон». Бадиий фильм. 2-серия.
19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Инсон манфаатини кўзлаб». Телетомошабинлар саволларига вилоят касаба союз ташкилотининг масъул ходимлари жавоб берадилар (рус тилида).
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
20.30 Москва. «Время».
21.00 Самарқанд шаҳрининг «Панжоб»инда меҳмонда.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Ранда». Танқидий тележурнал.
22.50 Тожикистон ССР халқ артисти Борис Нематиев куйлайди.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Ференц Лист». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
9.40 И. Л. Андрониковнинг оғзаки ҳикоялари.
10.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.25 «Шаҳрим мусиқаси». Фильм-концерт («Экран»).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.30 Болалар учун фильм. «Келажакдан келган меҳмон». 5-серия.
16.35 «Ксюша ва Компьюша ҳақида». Мультфильм премьераси.
16.55 «Москва ҳақида уч ҳикоя». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («ЦНФ»).
17.15 «Асраб авлодларга етказ».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 РСФСР Давлат духовой оркестри чалади.
18.45 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
19.15 «Ференц Лист». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 «ИИМ маълумотларига кўра».
21.15 «Ференц Лист». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
22.50 «Бу бўлган... бўлганди...».
23.10 «Эгизаклар-90» (эгизаклар конкурси). Шоу-программа.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.20 «Чашмалар».
8.50 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Ферма» (Шимолий Осетия телевидениеси), «Қариялар, сиз кимга тегишлисиз?» («ЦСДФ»).
9.20 «Савойеда знёфат». Бадиий фильм («Таллиннфильм»).
11.30 Такрорий телефильмлар сеанси. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». 4-серия.

* * *

16.30 «Меҳр-шафқат, бугун, ҳозирда».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Гурропуто ҳоким». Мультфильм.
18.40 Владимир Спиваков ва «Виртуози Москви». «Тольяттида уч кун».
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Энг азиз».
19.45 Спорт ҳамма учун.
20.00 Эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари V Бутуниттифоқ телеконкурси. 2-тур.
22.30 Отиш спорти бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
01.10 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Д. 1241. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12